Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 21 июль сешанба

Сотувда эркин нархда № 144 (1925)

САМИМИЙ ҲАМДАРДЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,
Қадрли қардошим,

Мамлакатингизнинг Шоҳимардон ҳудудида рўй берган сув тошқини туфайли инсонларнинг ҳалок бўлганлиги ва моддий зарар кўрганлигини чуқур қайғу билан қарши олдим.

Ўз номимдан ва халқим номидан ҳалок бўлганларнинг оила-аъзоларига ва талофат кўрганларга чуқур таъзия билдириб, ҳамдардлик изҳор этаман.

Сулаймон Демирэл,
Туркия Жумҳурияти Президенти.

ИНТЕГРАЦИЯНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

17 июль куни Қирғизистоннинг Чўлпон Ота шаҳрида Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Давлатлараро Кенгаш мажлисида ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этган тўрт Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги бундан буёнги алоқаларнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

Музокаралар якунига кўра Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида фавқулодда вазиятларни огоҳлантириш ва уларни тугатиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим, Ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги Шартномада иштирок этувчи Марказий Осиё давлатлари минтақа бирлашмаси номини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарор, Ягона иқтисодий ҳудудни барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг беш йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги қарорлар имзоланди.

Давлатлараро Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов иштирок этди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

Мустақиллик байрами шарафига

репортаж

Мингбулоқ туманидаги консерва заводида ишлаб чиқариш таназзулга учрагач, у ярим вайрона ҳолатига келиб қолган эди. Тумандаги «Матлуботсавдо» акционерлик компанияси мазкур корхонани ижарага олди-ю, аҳвол тубдан ўзгарди. Ҳиссадорлар бинони таъмирлаб, замонавий технологик линия ўрнатдилар. Натижада, бу ерда йилига мева ва сабзавотдан қарийб бир миллион шартли банкадан зиёд витаминли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қиём, сок, компот, томат, соус — буларнинг бариси сифати жиҳатидан хонадонларда тайёрланганидан асло қолишмайди. Шу боис уй бекалари уларни бажонидил ҳарид қилмоқдалар.

Энг муҳими, ҳозирги кунда корхонада 120 киши ишлаб, меҳнатига яраша иш ҳақи олишаяпти.

СУРАТЛАРДА: ишчи Барно Тошбоева; консерва заводи бош технологи Абдурасул Усмонов ва оператор Абдулаҳад Жўраев; тайёр маҳсулотлар.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

АСКАРЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги" Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошида тузилган доимий фаолият кўрсатувчи комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси, мазкур комиссия раиси Д.Гуломова бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, халқ таълими вазирликлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) ҳамда "Камолот", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа ташкилотлар мутасаддиларининг ўтган ярим йилликдаги фаолияти якунлари ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Сўзга чиққанлар харбий қисмларда бўлиб, учрашувлар ўтказиш, аскарларнинг турмуш шароити, у ердаги таълим-тарбия ишлари билан яқиндан танишиш интизомни янада мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очиб берганлигини таъкидладилар. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик ва ҳарбий бурчга юксак садоқат ҳақидаги суҳбатларнинг мазмунини бойитиш, маҳаллаларда ҳарбий хизматга чақирилувчилар ўртасида олиб борилаётган ишлар савиясини янада ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

(ЎзА)

Истиқлол моҳияти

1. Мустақилликни Сиз қандай тушунасиз?
2. Эртанги кунни қай тарзда тасаввур этасиз?
3. Ўзингиз яшаётган жойда қандай ўзгаришлар содир бўлди?
4. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида қўшаётган улушингиздан кўнглингиз тўладими?

ҲАЁТ ФИКРЛАШНИ ЎРГАТАДИ

Иброҳим НОРМАТОВ, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раиси ўринбосари:

1. Истиқлолнинг дастлабки йилларида одамлар қандай фикрлар эди-ю, ҳозир қандай фикрлайди? Мен бундан беш-олти йил олдин кишилар орасида бўлганимда улардан эшитганларимни айнан келтириб ўтмоқчиман.

Эшитдингизми, биродар, бензиннинг нархи ошибди, мана кўрасиз, Россия бизни ҳали не қийларга солмайди дейсиз, агар айтган пахтасини етказиб бермасак ҳолимизга вой, бутун транспорт тармоғи тўхтаб қолади. Қўшни, ҳозир дўкондан келаяпман. Нонинг баҳоси яна кўтарилибди, айтишларича, шартнома тузилган мамлакат ваъда қилган неча миллион тоннаям бугдойни бермай қўйибди, омборларимиз бўшаб қолибди, ишқилиб очарчиликдан Худо асрасинда! Собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан давлатлар ичида Туркманистонга қойил қолиш керак, яқин йилларда бу давлат иккинчи Қувайтга айланади дейишаяпти, ҳамма нарса сув текинмиш. Нуқул мустақиллик... мустақиллик дейсизлар, хўш мустақиллик нима берди, яхши мутахассислар кетиб, корхоналар тўхтаб қолаётганлигидан хабарингиз борми, ҳа бунақада тракторни бошқариш тугул, қўчани асфальтлайдиган одам ҳам топилмай қолади-ку? Ўргилдим ўша қўшма корхонасидан, на бюллетенга кўнади, на иш пайтида «перекур» беради, робот бўлгандан кўра, оз ишлаб, оз олганимиз яхшийди. Сир эмас, бундан атиги бир неча йил олдин аҳолининг бир қисми ана шу йўсинда фикрлар эди.

Хўш, бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси, биринчи навбатда ёшлар қандай фикрлаяпти? Умуман, одамлар онгида қандай ўзгаришлар содир бўлмоқда? Ўзбекистоннинг нефть мустақиллигига эришганлиги ва дон мустақиллигига эришиш йўлидаги шаҳдам одимлари, шубҳасиз, одамларнинг онгини тубдан ўзгартириб юборди. Ҳозир уларда эртанги кунга ишонч туйғуси бор. «Янги Қувайт»га ҳавас алангаси аллақачон сўнди. Ҳаётий ўзгаришлар ҳар қандай инсонни қайта фикрлашга мажбур қилмоқда.

Худога минг бора шукурки, Президентимиз бутун дунё олдида ҳам, ўзининг халқи олдида ҳам мустақилликни мустаҳкамлашнинг қатъиятли ва собитқадам курашчиси сифатида танилди. Президентимизнинг етти-саккиз йиллик фаолиятини диққат билан кузатиб, у кишининг маъруза-ларини, суҳбатларини, савол-жавобларини чуқур таҳлил қилиб, хулосалар чиқарган ҳар қандай киши бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилади.

Истиқлол барҳаётлиги учун жонимизни фидо қилсак арзийди. Бугун ҳар бир зиёли ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам Президент Ислом Каримов ўтказаётган сиёсатнинг изчил тарғиботчиси ва ижрочиси бўлмоғи ҳам қарз, ҳам фарздир.

2. Ўзбекистоннинг келажаги — халқнинг бирлигида. Буюк давлат қуришни бошладик. Бироқ уни охирига етказиш ва буюк давлат сифатида сақлаб қолиш ғоятда мураккаб иш. Ву жуда кўп ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Ички омиллар ҳақида гапирганда биринчи навбатда халқнинг бирлигини таъминлаш тушунилади. Бу бирликка раҳна соладиган ички ёвуз кучлар ва иллатлар оз эмас. Мен маҳаллийчиликни бундай кучларнинг энг хавфлиси деб ҳисоблайман. Ўзбек ўзининг кимлигини қаерда туғилганлиги билан эмас, балки асл ўзбеклиги билан кўрсатсин. Ягона миллат, ягона Ватан, ягона мақсад тушунчасини шакллантириш йўли билан маҳаллийчиликнинг илдизига болта уриш мумкин.

Халқнинг бирлигини бузадиган яна бир иллат — бу мунофиқлик билан ниқобланган мансабпарастликдир. Бундай одамлар аслида ўз мақсадларига эришиш йўлида ҳеч нарсадан, ҳатто ички низо кучайиб кетиши ва оқибатда мамлакат ўзгаларга ўлжа бўлиши мумкинлигидан ҳам тап тортмайдиган кимсалардир. Улар мамлакатнинг келажаги учун эмас, ўзларининг манфаатлари учун жон куйдирадилар. Порахўрдан ҳеч қачон ватанпарвар чиқмаган ва чиқмайди ҳам. Бу минг йиллар давомида ҳаёт синовидан ўтган ҳақиқат. Биз буюк давлат қураётган эканмиз, ана шу иллатга қарши аёвсиз кураш олиб боришимиз зарур.

Мен Ўзбекистоннинг келажагини ана шундай иллатлардан холи, миллий мафкураси маънавияти билан уйғунлашган, халқнинг турмуши фаровон, тинчлик барқарор, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг сўзи ва ўз қарашига эга бўлган, бошқалар у билан ҳисоблашадиган, ўзини ташқи куч ва таъсирдан ҳимоя қила биладиган буюк давлат сифатида тасаввур қиламан.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон ана шу мақсад йўлида дастлабки довондан ошиб ўтди.

Яна бир гап: болаларим мактабда Ленин бобога сиғинишдан ва қизил галстук тақишдан қутилишди. Тўрталаси ҳам эски ўзбек ёзувини ўрганишди. Темур бободан мағрурланадиган бўлишди. Ўзбек эканлигидан фахрланишади. Бу энг муҳими.

3. Ҳар қадамда қурилиш. Бунёдкорлик. Мана, Тошкентни олинг, кун сайин, соат сайин ўзгаришлар содир бўлаяпти. Бугун пойдевори қўйилган иморат эртасига қад кўтариб, индики таппатайёр, чиройли бинога айланиб турибди. Юрт — қурилишлар майдонидир.

Яқинда Навоий вилоятида бўлганимда, ҳаётий ўзгаришларни ўз кўзим билан кўрдим. Демакки, одамлар онгу-шууридаги ўзгаришларни ҳис этдим, англаб етдим. Аввало, шуни айтмоқчиманки, бутун Ўзбекистонда бўлгани каби Навоий вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам ҳеч ким Россиядан бензин ёки бошқа бир мамлакатдан буғдой кутиб яшаётгани йўқ. Бу ерда ҳеч ким ҳеч нарсага муҳтож эмас. Мамлакатимиз саноатининг паҳлавонлари — «Навоийазот», «Фосфорит», Зарафшон — Ньюмонт, Мурунтов корхоналари аниқ маромда ишлаб турибди. Маҳаллий мутахассислар қўчага асфальт ётқизишнигина эмас, мураккаб технологик жараёнларни бошқаришни ҳам қойиллатиб уддалашаяпти.

Қўшма корхоналарда ишлаётганлар бугунги кунда «перекур»лар ҳақида эмас, ишлаб чиқаришдан олинаётган фойдани кўпайтириш ҳақида бош қотиришяпти. «Навоийазот»нинг бугунги раҳбарига, Навоий, Зарафшон ва Учқудуқнинг бугунги ҳокимларига эҳтимол бундан саккиз-ўн йил илгари оддийгина асфальт ётқизишни ҳам ишониб топширишмаган бўларди. Уларнинг қайси бири билан суҳбатлашмайлик, қалбларини Ватандан фарҳланиш ҳисси қамраб олганлигини сездик. Саксондан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайдиган бу шаҳарларда ҳамма нарса — нон, гўшт, сут, ширинлик, мева, музқаймоқ, мебель, гилам, автомашина, хуллас, тирик инсонга нимаики зарур бўлса — ҳаммаси шу Ватанда — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган. Ўзимизнинг «Нексия» чўл шароитида синовдан ўтган энг қулай машина деб топилибди. Шу боисдан оддий мутахассислардан тортиб туман, шаҳар, вилоят раҳбарларигача ҳамманинг тагида фақат «Нексия» — шубҳасиз, навоийликлар бугунги кунда ўз олтинлари билан фахрланишади. Бир пайтлар эса бутун Ўзбекистон аҳолиси «бу олтинлар бизники» дейишга ҳақли эмасди. Чунки биз эгалик ҳиссидан маҳрум этилгандик. Илгари, янги мустамлака даврида ҳатто Ўзбекистоннинг раҳбарлари ҳам Мурунтов конига киритилмаганлиги ҳақида кўп эшитганмиз. Бугун эса ўз олтинимизга ўзимиз эгалик қиляпмиз. Навоийга келиб Мурунтов олтинини кўрмасдан кетиш — мантиқсизлик, деди вилоят ҳокими. Бизни киритишадими? Ҳоким менинг бу саволимдан ажабланди: «Бу нима деганингиз? Ахир сиз билан биз шу юртнинг эгасимиз-ку. Мурунтовда бўлмасангиз, навоийликлар онгидаги ўзгаришларни сеза олмайсиз». Аслида, бундай ҳиссиёт онгимизда юз бераётган ўзгаришларнинг акс-садосидир.

4. Нимадир қилаётганга ўхшайман, лекин кўнгил хижил бўладиган ҳолатлар кўп. Телевидение — мураккаб жой. Шубҳасиз, ҳамманинг ҳам кўнглига йўл топиб бўлмайди. Миллий мафкура ва маънавиятга яқин, тарбиявий фильмлар пайдо бўлиб қолса, нима, диндормисизлар, нега кўнгилочар кўрсатувлар йўқ, дейишади, агар бундай кўрсатувлар кўпайиб қолса, енгил-елпи нарсалар билан ёшлар тарбиясини бузяпсизлар, деб таъна қилишади. Баъзи ташкилотлар, идоралар, жамғармалар, олий ўқув юртлари, корхоналар ўзлари учун эмас, телевидение учун йиғилиш, семинар, учрашув ва бошқа тадбирлар ўтказишади. Қачон келасизлар, йиғилишни бошламай кутиб ўтирибмиз, деб такрор-такрор қўнғироқ қилишади. Мухбир билан тасвирчи борса, ўн-ўн беш одам тўпланиб, одатдаги ўқув ёки ишлаб чиқариш йиғилишини ўтказаётган бўлади. Мақсад — қандай қилиб бўлмасин, «Ахборот»да кўринниб қолиш. Улар бу билан ўзларини катта раҳбарлар олдида ишлаётган қилиб кўрсатмоқчи бўлишади. Яъни телевизорда кўрсатишдими, демак, фалон институтда ёки ташкилотда иш бўляпти, деган фикр туғдирмоқчи бўлишади.

Менимча, биз, телевидение ходимлари олдида бирмунча муҳимроқ ва жиддийроқ вазифалар турибди. Бу вазифалар давлатимиз раҳбарининг кўплаб маърузалари, суҳбатлари, интервьюлари ва топшириқларида асослаб берилган. Биз уларни яхши биламиз. Бироқ бажаришга келганда имкониятларимиздан ҳали тўлиқ фойдаланаётганимиз йўқ. Демак, бурчга масъулият ҳисси олдида қарздормиз.

«Халқ сўзи» мухбири Қўчқор НОРҚОБИЛ тайёрлади.

Янгиланиш қирралари

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

4. ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хориж капиталини жалб этиш ҳақида гап кетганда, уни иқтисодий ўсиш билангина чеклаб бўлмайди. Бу ўринда масаланинг ижтимоий жиҳатлари ҳам бор. Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти томон борар экан, хориж капитали халқ фаровонлигини оширишдек олий мақсадга хизмат қилиши назарда тутилади. Тўғри, хориж капитали миллий иқтисодиётни инвестиция юкидан тамомила озод қилмайди, лекин уни бирмунча енгиллаштирадики, бу миллий маҳсулотнинг бир қисмини инвестициядан олиб халқ истеъмолига юбориш имконини беради.

Бозор иқтисодиётида инвестиция билан халқ истеъмоли ўртасида қарама-қаршилик мавжуд. Иқтисодиётнинг муайян даражасида ички инвестиция қанчалик кўп бўлса, истеъмол шунчалик кам бўлади, аксинча, ички инвестиция қанчалик камайса, халқ истеъмоли шунча ортади. Хориж инвестициясининг кўпайиши миллий инвестицияни қисқартирган ҳолда умумий ўсишни таъминлайди. Ҳозирги Ўзбекистонда миллий ва хорижий инвестициялар нисбатининг ўзгариши ислоҳотларнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтиради. Буни қуйидаги рақамлардан кўрсак бўлади:

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР МАНБАИНИНГ ТАРКИБИ

Кўрсаткичлар	1995 й	1996 й	1997 й
1. Жами инвестициялар:			
а) млн. сўм ҳисобида	88871,0	176685,5	271594,0
б) ички маҳсулотга нисбатан фоиз ҳисобида	29,3	31,6	27,5
2. Миллий (ички) инвестициялар:			
а) млн. сўм ҳисобида	76460,0	148276,0	218601,4
б) ички маҳсулотга нисбатан фоиз ҳисобида	25,3	26,5	22,0
3. Хорижий инвестициялар:			
а) млн. сўм ҳисобида	12411,0	28409,0	53992,2
б) ички маҳсулотга нисбатан фоиз ҳисобида	4,0	5,0	5,5

(Давоми 2-бетда).

«Халқ сўзи» йўлланмаси билан

МУСТАҚИЛЛИК: ЕТТИ ЙИЛ

МЎЪЖИЗАЛАРИ

Эссе

ЖАҲОНГА АЙТИЛГАН СЎЗ

Мухаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Буюк Британиянинг Интернейшнл Трейд энд Эксибишн Лимитед фирмаси ходимлари ўтган йили Москвада катта Халқаро автомобиль кўргазмаси ташкил қилдилар. Ушбу «Автосалон — 97»нинг Москвада очилиши бежиз эмас: Россия жаҳонда тан олинган катта автобозорлардан саналади. Ўттиз беш минг квадрат метрдан иборат майдоннинг бир қарич ҳам бўш ери қолмади. Жаҳоннинг манаман деган қирқ мамлакатидан беш юздан ортиқ фирма ўз маҳсулотларини кўз-кўзлаб томошага қўйди. Одамларнинг диққати, албатта, автосалонни безаб турган енгил автомашиналарга қадалди. Ана шу ерда кўпларни ҳайратга солган бир ҳодиса юз берди. Халқаро кўргазмада «Хонда», «Сузуки» каби жаҳоннинг машҳур автогигантлари қаторида ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган «ЎзДЭУавто» корхонаси ҳам ўзининг «учирма қуш»лари — «Нексия», «Тико», «Дамас» каби хушбичим автомашиналари билан иштирок этди. Ўзбекистон биринчи марта ўз машиналарини намойиш қилди. Кўплар бунга ишонмадилар, баъзи, умрида велосипед ҳам ишлаб чиқарилмаган бир жойда машинага йўл бўлсин, дегувчилар эса ҳайрат бармоғини тишлаб қолдилар. Ажабо, Ўзбекистонда автомашина ишлаб чиқарилган эмишми?.. Деҳқончиликка асосланган мамлакатда-я?.. Хомашёларгина етказиб бергувчи бир республикада-я?

Шундоқ, жаноблар, тан олишга тўғри келади, Ўзбекистонда энди жаҳоний талабларга жавоб бера оладиган, мутахассислар фикрига кўра, Россиянинг «09» ёки «99» каби, ҳатто «Форд», «Хонда» сингари машҳур автомобиллар — «кўча гуллари» билан холисона рақобатга кириша олиш қудратига эга автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда! Замон олға бормоқда, тарих собитқадамлик билан ўз йўлида давом этмоқда. Бунинг ўзи бир мўъжиза бўлса, шундай замонавий даражаларда жиҳозланган корхонанинг бор-йўғи уч йилда бунёд этилиши алоҳида мўъжиза дейишга муносибдир! Ҳа, бу Президент Ислом Каримов таъкидлаганидай, чинакам Истиқлол мўъжизасидир!

* * *

Киши хаёли узоқларга кетади. Мустақилликка эришган озод Ватан олдида тараққиётнинг қайси йўлидан бормоқ зарур, кимга эргашиш керак, қандай имкониятлар этагидан тутмоқ жоиз, қабилида ҳаётий муаммолар кўндаланг эди. Президентимиз ҳеч иккиланмай, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли бор, биз шу йўлдан ҳеч оғишмай олға борамиз, боравeрамиз, деган шиорни ўртага ташлади. Бозор иқтисодига ўтиш, жаҳон бозорига чиқиш бу йўлнинг муҳим шартларидан саналади. Бунинг учун эса, рақобатларга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришимиз лозим, токи бу тайёр маҳсулотлар мамлакатнинг барча пучмоқларига, шунингдек, Марказий Осиё, Россия ҳамда Европа мамлакатларига етказиб берилсин. Саноат, айниқса, оғир саноатни ривожлантириш ҳар қандай тараққиёт йўлига кирган мамлакат олдида дарҳол ечимини талаб қиладиган муаммолардан ҳисобланади. Бу ҳамма мамлакатларда ҳам хорижий сармоя ёрдамида амалга оширилган ва оширилади. Бу аксиома. Жаҳон бозорида катта эҳтиёж сезиладиган соҳалар бор, масалан, космосга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ёки яна ҳам сердаромадроқ соҳа — қурол-яроғ ишлаб чиқариш ва уни сотиш... Аммо Ўзбекистон Республикаси — тинчлик тарафдори. Учинчи соҳа — автомобилсозлик соҳаси.

1992 йилнинг июнь ойида Президент Ислом Каримов Жанубий Корея Республикасига расмий сафар қилди. Уни бемалол тарихий сафар, деб айта оламиз. Сафар давомида йўлбошчимиз оламга машҳур «ДЭУ» корпорациясини бориб кўрди, «ДЭУ Паблик Моторс» заводи билан танишди, ҳамкорлик қилиш ҳақида корпорация раҳбари Ким У Жунг билан музокаралар олиб борди. Бир ойдан сўнг икки давлат ўртасида меморандум имзоланди. Яна бир ойдан кейин, август ойида эса «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини ташкил этиш ҳақида расмий ҳужжатга қўл қўйилди. Иш суръатининг боришига эътибор беринг. Вақт тиғиз, замон суръати тез... Улкан корхонани Марказий Фарғонанинг шинам шаҳарларидан бири Асакада қуришга қарор қилинди, чунки бу ерда аҳоли зич, кўп одам иш билан таъминлана олади, шаҳарда аввалдан саноат анъаналари мавжуд.

(Давоми 3-бетда).

Қонун лойиҳаси муҳокамада

ШАРТНОМА МАСЪУЛИЯТИ

Тан олиб айтиш керакки, бизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган иллатлардан бири ишлаб чиқарувчи билан харид қилувчи ўртасида тузиладиган шартномавий муносабатларда қонунийликни таъминлашнинг талаб даражасида эмаслигидир.

Шу маънода «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилиши айни муддао бўлди. Биз Андижон вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи Аваз-бек Юсуповдан ана шу муҳим ҳужжат хусусида фикр-мулоҳазаларини сўрадик.

– Қонун лойиҳасидан келиб чиқиб сўз юритадиган бўлсак, ушбу ҳужжат хўжадик шартномаларини тузиш ва бажаришнинг ҳуқуқий асосларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, шартнома интизомини мустаҳкамлашни таъминлашда давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ва давлат бошқаруви органларининг ваколатларини белгилайди.

Маълумки, қонун лойиҳасига қадар Президентимизнинг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Мазкур Фармон ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ва хўжалик судлари ходимларини зарар кўриб ишлаётган хўжаликларга, корхоналарга нисбатан муросасиз курашишга, мансабдор шахсларни қонунда кўрсатиб ўтилган жавобгарликка тортишга ундади. Қатор хўжалик юритувчи субъектларда шартномавий муносабатларнинг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилди. 37 та хўжалик ва ташкилотда 2928 минг сўмлик шартноманинг нотўғри тузилганлиги маълум бўлди. Шунингдек, 268 та (554429 минг сўм) хўжаликда тузилган шартномаларнинг белгиланган муддатда бажарилмаганлиги аниқланди.

- Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бундай нуқсонларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада?

– Раҳбарларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги, ишлаб чиқарувчи билан харид қилувчи ўртасидаги шартноманинг номигагина тузилаётганлиги, унинг натижаси ва бажарилиши билан ҳеч ким қизиқмаётганлиги, маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича жойлардаги давлат инспекциялари раҳбарларининг назоратни сусайтириб юборганликлари оқибатидир.

– Лойиҳанинг 23-моддасида юристлар зиммасига алоҳида вазифалар юклатилганлиги кўрсатиб ўтилган.

– Шундай. Мен ана шу моддани бироз ихчамлаштириш ва соддалаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Биринчи ва иккинчи хатбошида **юрист имзоси бўлганидан кейин у хулоса бермайди,** дейилган. Ўша жумла **«ҳар қандай шартнома юрист томонидан имзоланиши шарт»** деган сўзлар билан алмаштирилиши даркор. Шунингдек, лойиҳанинг 25-моддасида, **адлия органлари хўжалик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар,** деган жумлалар **«хўжалик юритувчи субъектларда фаолият кўрсатаётган юристларга методик ёрдам берадилар ва уларнинг шу соҳадаги ишларини бевосита назорат қиладилар»** деган сўзлар билан алмаштирилса, айни муддао бўлар эди. Фикримнинг исботи учун кундалик иш фаолиятимиз ҳақида қисқача тўхталмоқчиман. Ходимларимиз шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида тузилган шартномаларнинг бир қисми билан танишиб чиқдилар. Маълум бўлдики, уларнинг ҳаммаси ҳам амалдаги тартиб-қоидаларга жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам 14 та шартнома бекор қилинди. Улар ҳуқуқий экспертиза қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилди. Ходимларимиз гўшт, сут бўйича имзоланадиган 150 шартномани тузишда бевосита иштирок этди.

Шунингдек, текшириш жараёнида корхоналарга биркитилган масъул ходимлар томонидан даъво хати, даъво ариза, шартнома варақалари, контрактация бўйича Низом нусхаси ва бошқа ҳужжатлардан намуналар тарқатилди. Бундан ташқари, ходимларимиз 281522,8 сўмлик 18 та ташқи шартнома, 4622916 сўмлик 54 та ички шартноманинг нотўғри тузилганлигини аниқлади. Шартнома шартларини белгиланган муддатларда бажармаганлиги учун умумий қиймати 9036782 минг сўмни ташкил этадиган 60 та ҳужжат юзасидан талабнома киритилди.

Кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик қарзларини камайтиришга эришилди. Жумладан, Жалолқудуқ туманидаги пиллага дастлабки ишлов бериш базасида шу йилга тузилган 12 миллион сўмлик шартнома бекор қилинди. «Андижон ипаги» компаниясига тегишли бўлган 1.160 минг сўмлик дебитор қарзини ундиришга ёрдам берилди.

Қонун лойиҳаси билан батафсил танишар эканман, 7-модданинг 3-хатбошисини **«Давлат буюртмасидан ташқари тузилган шартномаларга тааллуқли эмас»**, жумласи билан тўлдирилишини таклиф этаман. Бундан ташқари, назаримда, лойиҳанинг 8-моддаси 4-модда талабларига зиддай. Шунингдек, 10-модда 2-хатбошисидаги **«олдиндан тўлаб қўйиш албатта, назарда тутилган бўлиши керак»** деган жумла ҳам ортиқча, деб ҳисоблайман. Чунки, бу иккинчи томоннинг манфаатларига зиддир.

Шартномавий муносабатларнинг муҳим томони шундаки, ҳар қандай шароитда унинг бажарилишини таъминлашимиз зарур. Янги қонун лойиҳасининг моҳияти ҳам шунда.

«Халқ сўзи» мухбири О.ШОДМОНАЛИЕВ суҳбатлашди.

"Ҳунарманд"нинг ҳунари

Бетон вазалар, йўл четларига ўрнатиладиган кўркам ҳошиялар, биноларнинг олдини ободонлаштиришга хизмат қиладиган безаклар Бўз туманида фаолият кўрсатаётган "Ҳунарманд" кичик корхонасининг ахил жамоаси томонидан тайёрланмоқда. Гўзаллик ва нафосатга ошно қалблар ҳовли ва хиёбонлар атрофини, йўл чеккалаларини, йўлқаларни турфа гуллар чаманига буркаган бўлсалар, энди ўша гуллар ёнига "Ҳунарманд"нинг бетакрор безаклари ҳам келиб қўшилди.

Корхона дастлаб туман қишлоқлари аҳолисига хизмат кўрсатди. Орадан кўп ўтмай қўшни қишлоқ ва туманлардан, Фарғона вилоятидан ҳам буюртмалар туша бошлади. Биргина ўтган йили 1 миллион 256 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Даромад ҳам чакки бўлмади. Кичик корхонанинг етти нафар ҳунарманди 200 минг сўмдан ортиқ соф даромад қилди. Табиийки, бу кўрсаткич жорий йилда яна ҳам кўпаяди.

(Ўз мухбиримиз).

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

ЯҚИНДА ИШГА ТУШАДИ

Тошкент шаҳрининг «Ўрикзор» маҳалласида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар таҳририятга ёзган мактубларида маҳаллада телефон тармоқлари етарли бўлмаганлиги учун жиддий қийинчиликларга дуч келинаётганлиги ҳақида гапириб, шу соҳадаги ишларни жадаллаштиришда ёрдам беришни сўраган эдилар.

Ушбу масала Тошкент шаҳар телефон тармоғида кўриб чиқилди, дейилади шу тармоқ тижорат директори А. Отақўзиевнинг таҳририятга йўллаган жавоб мактубида. Очиқ турдаги акциядорлик жамияти томонидан «Ўрикзор» маҳалласини телефонлаштириш учун 2000 рақамли станция жиҳозлари олинган. Маҳаллада Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан қурилаётган АТС биноси ишга туширилгандан сўнг станция жиҳозларини ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

Шуни маълум қиламизки, бинони қуриб топшириш ишлари Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан шу йилнинг сентябрь ойига мўлжалланган.

НАЗОРАТДА БЎЛАДИ

«Халқ сўзи» газетасида «Ногирон ўқувчилар ёрдамга муҳтож» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда кўзи ожиз болалар учун мактаб-интернатларни махсус қоғозлар ва ўқув қуроллари билан таъминлашдаги камчиликлар ҳақида сўз борарди.

Камчиликларнинг мавжудлигини эътироф этган ҳолда уларни бартараф этиш борасида муайян ишлар олиб борилаётганлигини ҳам маълум қиламиз, дейилади Ўзбекистон республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Г. Алимова имзоси билан таҳририятга юборилган жавоб мактубида.

Жумладан, вазирлик тасарруфидаги «Таълим-таъминот» бошқармаси республикамиз ва ҳамдўстлик мамлакатларидаги қоғоз комбинатлари орқали ҳар бир кўзи ожиз болалар мактаб-интернатларини янги ўқув йилига қадар икки томондан махсус қоғоз билан таъминлаш чораларини кўрмоқда. Республика таълим марказида кўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари учун «Таълим тўғрисида»ги қонун талаблари асосида янги ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур масала умумий ўрта таълим бош бошқармасининг назоратида бўлади.

БАЙТҚЎРҒОННИНГ ОЛМАСИ БОЛГА ТЎЛИБДИ

Қуёшнинг заррин нурларидан ранг олган боғларимиз болга, узумларимиз шарбатга тўлди. Бу йилги ҳосил чўғидан нафақат соҳибкору боғбоннинг, балки барчанинг кўнгли тўқ.

Пойтахт вилоятининг Қибрай туманида пиру бадавлат бир отахон яшайди. Олтмиш тўрт баҳорни қаршилаган, қўшақўша фарзандлар отаси, 19 набиранинг бобоси бўлган Карим ота Икромов боғдорчиликка ишқи тушганлардан. Ота ўзи яратган 2,5 гектарлик боғда узу-кун парвона. Каримжон отанинг боғида йўқ меванинг ўзи йўқ.

СУРАТЛАРДА: Карим ота Икромов ўғли Равшан билан; болга тўлган мевалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 21 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	61,66	100 Италия лираси	5,62	1 Финляндия маркаси	18,24
1 Австрия шиллинги	7,87	1 Канада доллари	66,27	1 Франция франки	16,52
1 Англия фунт стерлинги	162,02	1 Хитой юани	11,90	1 Швеция кронаси	12,50
10 Бельгия франки	26,87	1 Кувайт динори	326,22	1 Швейцария франки	65,70
1 Голландия гульдени	49,14	100 Ливан фунти	6,53	1 ЭКЮ	109,38
10 Греция драхмаси	3,34	1 Малайзия рингитги	23,92	10 Жанубий Корея вони	0,77
1 Дания кронаси	14,55	1 Германия маркаси	55,40	10 Япония иенаси	7,08
1 БАА дирхами	26,83	1 Норвегия кронаси	13,14	1 Россия рубли	15,85
1 АҚШ доллари	98,55	1 Польша злотийси	28,61	1 Украина гривнаси	46,60
1 Миср фунти	28,96	10 Португалия эскудоси	5,42	1000 Беларусь рубли	2,49
1 Ирландия фунти	139,25	1 Сингапур доллари	57,74	1 Латвия лати	163,70
1 Исландия кронаси	1,39	1 СДР	131,45	1 Литва лити	24,64
10 Испания песети	6,53	1000 Туркия лираси	0,37	1 Молдава лейи	20,76
				1 Қирғизистон somи	5,06

/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Янгиланиш қирралари

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хориж инвестицияларининг ижтимоий аҳамияти яна шундаки, улар жойлаштирилган соҳаларда бозорбоп товарлар чиқарилиб, ўз вақтида сотилиши ва юқори унумдорлик туфайли харажатларнинг пасайиши ва ниҳоят, рентабеллик ортиб бориши ишчи ва хизматчилар учун юқори иш ҳақини кафолатлайди. Буни қўшма корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин:

ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА БИР ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ (1997 й)

Соҳалар	Қўшма корхоналардаги иш ҳақи (сўм ҳисобида)	Соҳадаги ўртача иш ҳақи (сўм ҳисобида)
Саноат	7940,9	5352,2
Қишлоқ хўжалиги	2642,6	1910,7
Қурилиш	7018,9	5979,1
Транспорт	11015,7	5334,7
Алоқа	7364,3	4951,6

Қўшма корхоналарнинг афзаллиги фақат иш ҳақининг юқори бўлишида эмас, балки бу ерда техникавий савия ва иш малакасини ошириш имкони бор. Бу мамлакатимизда жаҳон андозалари даражасида иш кучини тайёрлаш имконини яратади. Демак, келажакда иш кучи экспортини кенгайтириш асосида мамлакатга келадиган валюта тушумларини ошириш имкониятлари очилади.

5. АВВАЛО, ИШОНЧ БЎЛСИН...

Қуруқ гап қулоққа ёқмас, дейдилар. Бу қоидани хорижий сармоядорлар ҳам яхши билишади. Бозор иқтисодиётида ҳеч қачон фойдали нарсани текинга бермайдилар, бу ерда ҳамма ўз манфаатини кўзлаб иш юритади. Бу манфаат фойда топишдан иборат. Хорижий инвесторлар яхши фойда кўрмаган жойга пул қўймасликлари аниқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XI сессиясидаги нуткида шундай дегандилар: **«Қаерда имтиёз бўлса, қаерда шароит бўлса, қаерда агарки қонуний гаров, қонуний кафолат бериладиган бўлса, шу ёққа сармоя келади».** Ўзбекистондаги инвестицион сиёсат шундан келиб чиқиб, хорижий инвесторлар яхши фойда кўришини кафолатловчи чораларни назарда тутади.

Шу маънода, Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, молиявий барқарорлик муҳим аҳамият касб этади, осойишталик хорижий инвесторларга ўз капиталини сақлаш ва кўпайтириб бериш, уни хотиржамлик билан ишлатиб бойлик орттириш имконини беради. Булардан ташқари, Ўзбекистон заминидаги табиий бойликлар ва меҳнат ресурсларининг сероблиги, аҳоли маданий-техникавий савияси қониқарли даражада бўлиши, хорижий инвестицияларнинг давлат томонидан кафолатланиши чет эллик ишбилармонлар эътиборини қаратади. Шу боис Ўзбекистонга хориж капиталининг қўйилиши ортиб, сармоялар суммаси 8,1 миллиард долларга тенг бўлди. Ўзбекистонда ҳар йили 1 миллиард доллар миқдорида хориж капитали ўзлаштирилади. Агар 1995 йилда жами хорижий капиталнинг 91,2 фоизи ишлаб чиқаришга қўйилса, 1997 йилда бу кўрсаткич 94,6 фоизни ташкил этди. Уни жойлаштиришда индустриал соҳаларга ва аввало, саноатнинг етакчи соҳаларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, бултур индустриал соҳаларга хорижий инвестицияларнинг 80 фоизи ётқизилди. Ҳозир хориж инвестицияси Ўзбекистондаги миллий корхоналар инвестициясининг 43 фоизига тенг. Дунёнинг илғор мамлакатларидан келган инвестиция салмоғи ошиб бормоқда. Улар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолияти кенгайиб бораётганлигини ушбу рақамлардан кузатиш мумкин:

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ (1997 й)

Тар №	Капитал қўйган мамлакат	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар, млн.сўм	Савдо-сотиқ ҳажми, млн. сўм
1	АҚШ	2982,0	32006,0
2	Германия	1713285,0	3858273,0
3	Франция	4500839,1	40381,0
4	Англия	3049,1	15893,3

Хориж капиталининг иқтисодий ислоҳотлар суръатига таъсири яхши бўлаётир. Аммо бу борадаги ҳозирги аҳвол қониқарлими? Масалага кенг қамровда қарайдиган бўлсак, ҳали ишимизда камчиликлар анчагина. Айтайлик, ҳозир мамлакатга қўйилган хорижий инвестиция аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 333 долларни ташкил этади. Ваҳоланки, Венгрияда бу кўрсаткич 1000 доллардан ошиб кетган. Ўтган йили ўзлаштирилган хориж инвестицияси аҳоли жон бошига 48,5 долларни ташкил этди. Албатта, бу етарли эмас. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда хорижликлар учун инвестицион иқлимни яхшилаш тадбирлари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги, «Кафолатлар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниб, уларга кўра хориж капиталининг мулкий дахлсизлиги қонуний йўл билан давлат томонидан таъминланади, хориж инвесторларининг Ўзбекистондаги фаолияти учун шарт-шароит яратилади. Эндиликда хориж капитали моддий ва номоддий шаклда қўйилиши мумкин. Ундан турли шаклда даромад олиш мумкин. Қонунларда хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, турли фирмалар ва айрим фуқаролар инвестор бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган, шунингдек, қўшма корхоналарда чет эл капитали жами сармоянинг 30 фоизидан кам бўлмаслиги кўрсатилган. Айни пайтда мазкур корхоналарни турли усулда ташкил этишга рухсат берилади. Бунда хорижий инвесторларнинг ҳақ-ҳуқуқи ишончли муҳофаза қилинади.

«Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонунга кўра, **«Ўзбекистон ҳудудида инвестицион фаолият юргизилганда хориж инвесторларининг барча ҳуқуқларини давлат кафолатлайди ва ҳимоя қилади». Ўзбекистонда хориж инвесторлари ва инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли шароит яратилади, бу билан уларнинг хавфсизлиги таъминланади.**

Ўзбекистондаги хорижий тадбиркорлар фаолияти турли шаклда, чунончи, қўшма корхоналар ташкил этиш, ўз компания ва фирмаларининг бўлинмалари ҳамда шохобчаларини очиш, ёрдамчи (бачки) корхоналар тузиш каби шакларда намоён бўлади. Ўзбекистонда биринчи маротаба хориж инвесторлари концессия олишига рухсат этилади. Концессия табиий ресурслар қидирувини олиб бориш, шу ресурсларни топиб ишлатиш учун берилади.

Хориж инвесторларига солиқ ва божхона тўловлари юзасидан имтиёзлар берилади. Хорижликлар учун яратиладиган қулай вазият шуни инобатга оладики, Ўзбекистонда иш юритиш хориж капитали учун бошқа ердагига нисбатан қулай бўлиши керак, яъни яхши фойда кўришни таъминлаши керак. Тадбиркорликнинг талаби ягона – имкони борича кўпроқ фойда олиш. Қаерда фойда кўп бўлса, сармоя шу томонга оқиб бориши турган гап.

6. ТАШАББУСКОРЛИК ЕТИШМАГАНДА...

Хорижий инвестицияларни Ўзбекистонда жойлаштиришнинг муаммолари ҳам мавжуд. Бу, энг аввало, инвестицияларнинг турли мулкчилик доирасида тақсимланишидир. Ҳозир хориж инвестицияларининг деярли 80 фоизи давлат секторига ётқизилмоқда. Маълумки, бозор иқтисоди мулкий полиформизмга (хилма-хилликка) таянишни талаб қилади. Полиформизм рақобат учун майдон, рақобат эса иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Хориж инвестициясини ўзлаштиришда ҳозир давлат монополияси ҳосил бўлишининг асосий сабаби нодавлат секторида енгил фойда кетидан қувиб, инвестицион фаолликка қўл урмаслик, келажакда яхши фойда келтирувчи ишларни кўзламаслик, бу борада корхоналарнинг ташаббус кўрсатмаслигидир. Натижада хорижий инвестицияларни давлат секторига йўналтириш зарурати келиб чиқди, бусиз иқтисодиётни барқарорлаштириш қийин бўлур эди. Ташаббус етишмаганидан хориждан келган 350 миллион долларга тенг кредитни ўзлаштиришда сусткашликка йўл қўйилди. Бу кредит кичик ва ўрта бизнеси қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. Бир йилдан зиёд вақтда шунча маблағнинг 1,5 миллион доллари ўзлаштирилди, холос. Бу кредит валюта шаклида ва арзон нархда ажратилган бўлиб, уни ишлатиш ғоят қулай, чунки бу пулга Ўзбекистонда бўлмаган энг мукаммал технологияни четдан сотиб олиш, рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариб, ҳатто уларни экспорт қилиш мумкин эди. Фирмаларимиз қарз берувчилар маъқуллайдиган лойиҳаларни тақдим эта олишмади. Бунинг устига уларнинг мол-мулки кредитни кафолатлашга етарли бўлмади. Айтилган кредит ўрта ва кичик корхоналарга ажратилганидан, унинг мол-мулки қийматини ошириш чоралари кўрилди. Оқибатда илгари йирик ҳисобланган корхоналар ҳам кичик ва ўрта корхоналар қаторидан ўрин олди. Шу йўл билан кредит кафолатланган ҳолда, уни ишлатиш имкони кенгайди.

Хориж капиталини ўрта ва кичик бизнесга жалб этиш зарурати кучайган бўлса-да, бу соҳага четдан қарз олмасдан, тўғридан-тўғри сармоя сарфлаш суст бормоқда. Ҳозир чет эл капитали асосан йирик бизнесга жойлаштирилиб, унинг соҳиблари ҳам йирик компаниялар ҳисобланади. Ўзбекистонга жами қўйилган хориж капитали 8,1 миллиард доллар бўлса, бунда йирик фирмалар ҳиссаси қуйидагича бўлади: ДЭУ (Жанубий Корея) – 1 миллиард доллар, Проктер Гембле (Франция) – 670 миллион доллар, Нью Монт (АҚШ) – 500 миллион доллар, НьюИнинг (АҚШ) – 420 миллион доллар, БАТ Индастриес (Буюк Британия) – 300 миллион доллар. Бинобарин жами хориж капиталининг 36 фоизи юқорида тилга олинган «кит»лар ҳиссасига тўғри келади. Кичик ва ўрта бизнесга чет эл капитали кўпроқ кириб келса, истеъмол товарлари шунчалик кўпайиб, бозор нархи барқарорлашади, бу билан инфляцияни жиловлаш муаммоси ечилади.

Хориж капиталини жалб этиш чет элдаги фирмаларни кенг кўламда ўрганишни талаб қилади, демак, таҳлил учун пул ажратиш керак бўлади. Бизнингча, хориждаги фирмалар фаолиятини, халқаро бозорларни ўрганувчи махсус илмий марказлар барпо этилиши керак. Биз жаҳон хўжалигига кириб борар эканмиз, у ердаги аҳволдан тўлиқ хабардор бўлишимиз зарур, акс ҳолда бу кўзни юмиб ишлашдай гап. Ким билсин, чет элдаги баъзи фирмалар бизни лақиллатиб мўмай пул ишлашни кўзлаб қолишар. Улар орасида эски товарларни, эски технологияни бизга пуллаб, ўзини банкротликдан қутқазишга ошиқаётганлар бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Хорижликлар таклиф этадиган лойиҳалар илмий марказларда атрофлича экспертизадан ўтиши манфаатларимизни кафолатлайди.

Четдан капитал келтиришнинг шаклларидан бири – бу кредит олишдир. Албатта, бу қарздор бўлиб қолиш муаммосини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бу муаммо ҳар доим бўлган, бундан буён ҳам бўлади, чунки кредит бор жойда қарздорлик келиб чиқади. Аммо гап қарзнинг ўзида эмас, уни қайтариш имкониятида. Шўролар замонасида чет эл кредити олабўжи деб кўрсатилган, фақат асорат воситаси деб баҳоланган. Ҳозир вазият бошқача, ўзаро кредит бериш бозор иқтисодиёти учун табиий бир ҳол, деб қаралади.

Аммо, бу ташқи қарзнинг миллий манфаатга алоқаси йўқ, деган гап эмас. Олинган қарз миллий иқтисодиёт равнақига хизмат қилиши зарур. Агар қарз пули еб юборилса (бу амалда бўлиб туради), аввало, корхонани, сўнг бошқа шерик хўжалик субъектларини асоратга солади. Агар қарз пули истиқболли соҳаларга инвестицияланса, экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирилса, катта фойда келтиради, қарздорликнинг на фирма учун, на мамлакат учун хатари бўлмайди. Кредитнинг яна бир фойдали жиҳати шуки, бу қўшма корхоналар тузишдан фарқли ўлароқ, бутун масъулиятни ўз зиммасига юклаб, одамларни яхши ишлаб, қарзни ўз вақтида қайтаришга ундайди, уларни ҳаракатга келтириб, бозор шароитига мослаштиради, боқимандаликдан холи этади. Афсуски, бизда ҳанузгача боқимандалик сақланиб келади. Улар хориж инвесторларини жалб этишда ташаббус кўрсатиш ўрнига қачон давлат инвестор топиб берар экан, деб кутиб ётишади. Бу бозор қоидаларига мутлақо зиддир. Бозор шароитида корхонанинг ўзи бек, хон ва султон бўлиши керак. Улар ҳам манфаат, ҳам масъулиятни сезишлари талаб қилинади. Давлат ўз қонунлари ва ўрнатган иқтисодий тартиби билан чет эл инвесторларини жалб этиш учун шароит ҳозирлайди, аммо у ҳеч қаерда фирмалар учун шериклар топиш билан шуғулланмайди. Ҳозир дунёда четга чиқадиган капитал асосан хусусий эканини ва уни жалб этишда масъулият корхоналар зиммасига тушишини англаш керак.

7. ВАҚТ – ПУЛ ДЕМАКДИР

Дунё капитал бозори ривожланган мамлакатлар қўлида. Бу бозорда кутилмаган ҳодисалар ҳам бўлиб туради. Бу ҳақда Жанубий-Шарқий Осиёда юз берган молиявий таназзул дарак беради. Капитал бозорига чиқилганда у ердаги ҳодисалар ва ҳатто тасодифлар билан ҳисоблашмасдан илож йўқ. Четга чиқадиган капитал ривожланган мамлакатлар ва энг аввало, машҳур етти-ликка кирувчи етакчи мамлакатлар қўлида тўпланган, чунки буларнинг иқтисодий даражаси капиталга ўта муҳтож мамлакатларникига нисбатан 20-60 марта юқори. Улар қўлида четга чиқадиган капитални моддий жиҳатдан таъминловчи илғор технология бор. Яқин орада уларнинг капитал экспортидаги монополияси йўқолмайди, аксинча, у кучаяди, улар технологик монополияни ҳам сақлаб қоладилар. Бундай монополия XXI асрда ҳам сақланиши кутилади. Янги асрнинг биринчи ўн йиллиги мобайнида янги технологик инқилоб юз бериб, бу иқтисодиётда туб ўзгариш бошланишини билдиради, бундай эврилиш, одатда, 40-60 йил давом этади. Хўш, бу ўзгаришларнинг инвестицияга нима алоқаси бор, деган савол бўлиши табиий. Технологик инқилоб катта бурилиш сифатида иқтисодиётнинг таркибий тузилиши, ривожланиш тезлиги ва ижтимоий оқибатларини ўзгартиради. Кутилаётган ўзгариш янгидан илмий асосланган ишлаб чиқаришни юзага келтиради. Бу эса серкапитал бўлганидан катта инвестицияларни талаб қилади.

Умуман, илғор давлатларнинг капитал бозорига пул таклифи қисқариши мумкин, чунки аҳолининг жорий истеъмоли пул жамғармасига нисбатан тезроқ ўсади. Гап шундаки, илғор мамлакатларда кекса аҳолининг салмоғи ортиб бормоқда, бу истеъмолни ошириб, пул жамғармасини қисқартиради. Бинобарин, инвестицияланадиган пул даромадга нисбатан қисқаради, чунки ортиқча пул камаяди. Хўш, бу ўзгаришларнинг Ўзбекистонга нима дахли бор? Бўлғуси вазият бизни капитал бозоридаги кучли рақобатга рўпара қилади, буни корхоналаримиз ва тегишли мутасадди ташкилотларимиз инобатга олиб, инвестицияни келтириш жабҳасида отни қамчилашлари керак. Қонунларимиз Ўзбекистонда қулай инвестицион вазият яратади. Шундан фойдаланиб, бутун чоралар билан капитални тезда киритиб, уни мамлакатимиз иқтисодиётига боғлаб қўйиш талаб қилинади. Бир қўйилган капитал устига янги капитал ётқизиш енгил кечади, бундан хорижий инвесторлар ҳам манфаатдор бўлишади.

Капитал ўз-ўзидан келмайди, албатта. Унинг соҳибларини қизиқтириш зарур, яъни капитал қўйса арзигулик лойиҳаларни хориж компаниялари ва молия ташкилотларига тавсия этиш керак. Ҳозирги вазиятнинг қулайлигидан фойдаланиб, тезкорлик билан инвестициялар жалб этилмаса, вақт ўтгач, кеч бўлиши мумкин. Ахир ишбилармонлар тилида «вақт – пул демакдир» деган ибора бежиз айтилмаган. Капитални четдан келтириш – бу фирмалар ва корхоналарнинг корпоратив (гуруҳий) манфаатини рўёбга чиқариш билан чекланмайди. Бу ўта жиддий ва масъулиятли, умуммиллий аҳамиятга эга иш. Зотан, бу вазифалар мамлакатнинг келажагига дахлдордир.

Аҳмаджон ЎЛМАСОВ,
Ўзбекистон Банк-молия академияси кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.
Шуҳрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи.

«Халқ сўзи» йўлланмаси билан

ЖАҲОНГА АЙТИЛГАН СЎЗ

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Менинг болалигим шу ерларда кечган, бизнинг жойларни чўл дейишарди, тасаввуримизда Асака улкан бир шаҳар, обод маскан бўлиб жонланарди. Асакага бориб келиш бизлар учун катта байрам, бемисл хурсандчилик тимсолига айланарди. Биз чўлдан Найнаво ариғини ёқалаб Асакага қариндош-уруғларникига меҳмонга борардик, қайтиб келгач ҳамқишлоқларимга мақтаниб, «Асакага бориб келдим!» деб юрганларимни эслайман. Асака — фариштали юртимнинг гўзал чаманларидан бири. Асаканинг табиати, ажойиб одамлари таҳсинларга лойиқдир. Энди ўзбекнинг довруғини дунёларга таратиш Асаканинг чекига тушиб турибди.

1994 йил октябрида монтаж ишлари бошланиб кетди. Иш суръати таъкидлаб ўтилганидек, шу қадар тезки, қурувчиларнинг бош қашишга фурсатлари йўқ.

— Оҳ, у кунлар!.. — ҳикоя қилди суҳбатлашиб ўтирганимизда Андижон вилояти ҳокими Қобилжон Обидов. — Эски прицеп заводининг биноси янги завод учун яроқсиз, деган қарорга келдик. Технология мутлақо бошқача-да. Унинг устига, эскини эплагунча эсинг кетади, деган гап ҳам бор. Кўчириш ишларининг ўзи нақ икки йил давом этди. Қурилишда андижонликлардан бошқа, турли вилоятлардан ва хориждан мутахассислар ҳам иштирок этдилар. Бу чинакамига умумхалқ қурилишига айланиб кетди. Умумхалқ қурилиши! Завқи ҳам бошқача...

Чиндан ҳам у кунлар хотирамизда ҳаяжон билан эсланадиган кунлар бўлиб қолди. 1996 йил 25 мартда «Дамас» русумидаги биринчи машина тайёр бўлди, 15 июнда эса «Тико» ҳайдов майдонига югуришга чиқди... Ўн кундан кейин, яъни 25 июнь куни Андижонда байрам бошланиб кетди. Нуфузли ва хушбичим «Нексия» автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан «ДЭУ» корпорациясининг раҳбари Ким У Жунг жаноблари заводда меҳмон бўлдилар. Озод Ватан автомобилсозлигининг дастлабки ғалабаси ҳақидаги хушхабар бутун жаҳонга таралди. Мустақилликка эришганига эндигина беш йил бўлган мамлакатнинг Президенти «Нексия»нинг нишона машинасига ўз рамзий имзосини чекар экан, мамнунлигини яширмади: «Андижон нафақат мамлакатимизнинг, балки бутун Марказий Осиёнинг жаннатга тенг гўшаларидан бири бўлиб, — деди Ислом Каримов, — бетакрор табиати, сахий, мард, ғурурли, ориятли меҳнатсевар кишилари билан ўзига муносиб ном таратган. Иймоним комилки, тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради. Бугун жаҳон автомобилсозларининг ҳавасини келтиралиган «ЎзДЭУ авто» автомобиль заводи уч йил ичида қуриб ишга туширилди. Айни пайтда Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 мамлакатнинг бирига айланди!»

28 мамлакатнинг бири! Жаҳонда икки юз ўттиздан зиёд мамлакат борлигини бир ҳаёлдан ўтказсак, бу ҳодиса Ўзбекистон Республикаси учун катта шараф эканлигини кўрамиз. Осон эмас, бу нуфуз қучли, ўзига тўқ, имкониятлари кенг, истиқболи порлоқ давлатнинг қўлидан келадиган вазифа. Чунки, XIX асрнинг буюк кашфиётларидан бири бўлган автомобиль, табиийки, автомобилсозлик саноати бизнинг замонамизда қаерда ривож топса ўша ерга обрў-эътибор олиб келадиган соҳа эканлиги жаҳонга маълум. Шунинг учун ҳам, Президентимиз бу муҳим ишга диққатни қаратди, унинг «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонаси республикамиз ҳаётида катта сиёсий, маънавий аҳамиятга эга бўлиши билан биргаликда, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди», деб таъкидлаши бежиз эмас. Ҳа, бугунги кунда бундай ишга қўл урмоқ, унинг уддасидан чиқмоқ — мардларнинг иши!

* * *

Гапимиз исботи учун жаҳонга кенгроқ назар солиб кўрайлик. Жаҳонда биринчи бўғ двигателли машина 1769 йилда француз Ж. Конье томонидан тайёрланган эди, Г. Даймлер ва К. Бензлар (Германия) 1885-1886 йилларда ишлаб чиққан ички ёнув двигателли машинагача юз йилдан зиёд вақт ўтди. Шу даврдан бошлаб кўп мамлакатларда автомобилсозлик нуфузли соҳага айлана бошлади. Ўз иқтисодимни авж нуқтасига чиқараман деган, жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзимни айтаман, обрў-эътиборга эга бўламан, деб ният қилган давлатки бор, автомобиль саноати йўлида сармоя юзига қарамади. Бугунги кунда иқтисодий бақувват, буюк давлатга айланган Америка Қўшма Штатлари автомобиль саноати туфайли шундай қудрату шарафларга эришди, буни олам кўриб турибди. 1996 йилда АҚШда дунёда энг кўп автомобиль ишлаб чиқарилди — 11 миллион 796 мингта! Япония ҳақида ҳам ҳамма оғзидан бол томиб гапиради. Японияда 1996 йилда 10 миллион 346 минг автомобиль тайёрланди. Муқоясани давом эттирсак, шундай манзара намоён бўлади: Германияда — 4 миллион 844 мингта, Францияда 3,5 миллиондан ортиқ, Жанубий Кореяда сал кам 3 миллион, Буюк Британия, Канада, Бразилияда салкам 2 миллиондан ортиқ автомобиль ишлаб чиқарилди. Бу ерда Италия билан Испанияни ҳам айтиб ўтиш лозим.

Дарвоқе, бозор ҳақида. Ҳозир жаҳонда асосан олтита автомобиль бозори мавжуд. Булар — Ғарбий Европа, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Япония, Осиё ва Шарқий Европа бозорларидир. Япон автобозори япон машиналарининг ўзи билан тўлиб тошган, импорт автомобиллар нуфузи у ерда жуда кам, бор-йўғи 6,5 фоизни ташкил қилади. Шимолий Америка бозори ҳам қўл етмас даражада. Бу ерда «Женерал Моторс», «Форд», «Крейслер» компаниялари маҳсулотлари кўпроқ бозоргир саналади. Ўзбек автомобиллари учун қулай бозор бу Осиё бозоридир. Айтиш керакки, бу бозор катта бозорлардан ҳисобланади. Тахминларга кўра, 2000 йилга бориб бу бозорда йилига 18 миллионгача автомобиль сотилиши кўзда тутилмоқда. Шунинг учун, бу бозордан стратегик жиҳатдан қулай, харидорнинг кўзи тез тушадиган жойни эгаллаб олиш жуда ҳам муҳимдир. Қувончли жойи шундаки, Ўзбекистоннинг бугун шундай қилишга қурби ҳам бор, имкони ҳам!

— Миллий автосаноатимиз, — деди биз билан суҳбатда «Ўзавтосаноат» уюшмаси бошқаруви раиси Қудрат Парпиев, — Ўзбекистон иқтисодиётининг янги таянчидир. Жаҳон бозорига чиқиш янгидан-янги талаблар қўймоқда. Шуларни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти 1994 йил 21 январда «Сельхозмаш» концернини «Ўзавтосаноат» — Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмасига айлантириш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Уюшма олдига катта вазифалар қўйилган...

Ҳа, замон суръати тобора ортиб бормоқда, вазифалар ҳам кечагидан мураккаброқ. Энди уюшма фақат қурувчи бўлибгина қолмай, ўз маҳсулотини ҳам ички, ҳам ташқи автобозорларда сота оладиган ишбилармон менежер даражасида иш кўриши керак. Тармоққа бир ярим миллиард долларлик молиявий хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш, бозорни ўрганиш бўйича маркетинг, илмий-техник тадқиқотлар олиб бориш, бу йўлда сармоялар жалб қилиш, сертификаталаш ва стандартлаш ишларини йўлга қўйиш — бари айтмоққа осон. Бу тадбирлар, оқибатда, Ўзбекистонни жаҳонга хомашёгина етказиб берувчи эмас, балки саноати ривожланиш чўққисига чиққан, янги «Осиё йўлбарси» сифатида тан олинадиган автомобиль мамлакатига айлантирмоғи лозим. Хорижий тажрибалардан кўриниб турибди, бошқарув сифатини ўзгартириш, яхшилаш жоиз, бошқарувнинг ҳам давлат, ҳам ҳар бир фуқаро манфаатларига мос келувчи, муаммоларни маърифий ва соф иқтисодий усуллар билан ҳал қилиш имкониятини яратувчи тизими бунёд этилиши шарт...

* * *

... Тошкент — Андижон самолёти Андижон аэропортига қўниш тараддудида пастлай бошлади. Пастда ям-яшил водий ястаниб ётарди. Бир-бирига уланиб кетган обод қишлоқлар, боғ-роғлар, сойлар ариқлар, кўм-кўк пахтазорлару олтиндай кўринган буғдойзорлар, гўё минг йиллар меҳнат қилиб, она ерга бош қўйиб «ҳордиқ чиқараётган»дай ястанишган сулув адирлар... Бирдан бошқа иморатларга ўхшамаган улкан заргалдоқранг бинога кўзим тушди. Ҳамма жонланиб қолди:

— Ана, Асака заводи! — деди кимдир ғурур билан. — Бизларнинг завод.

— «Нексия», «Тико», «Дамас»... — сўз қўшди бошқа биров.

Машиналар фазилатлари ҳақида суҳбат бошланиб кетди. Кимдир «Нексия»ни мақтади, кимдир «Дамас»ни. Учинчиси бўлса «Тико»ни яхши кўрар экан, «Уни «Шум Тико» дейман, шумтакага ўхшатиб-да, шум болага ўхшаган-да, чаққон...» деди. Кейин қўлидаги магнитофонни қўйиб юборди: Тўлан Низом шеъри билан Турсунбой Парпиев ижро қилган компаниянинг мадҳиясига айланиб қолган қўшиқ янграрди:

Нексиянинг борми дейсан
қаноти,
Бамисоли Ғуруғлининг
Ғироти!..

Шу пайтгача «ЎзДЭУавто» компанияси ҳақида матбуотда нима ўқиган бўлсам, муаллифлар, албатта, «мўъжиза» сўзини ишлатишар, худди шундоқ таърифлашга келишиб олишгандек иш тутишар эди. Ўқир экан, мийиғида кулиб қўяр эдим. Буни қарангки, ўзим сезмаган ҳолда, камина ҳам ушбу эссени ўша сўз билан бошлабман! Бу табиий, чунки заводни томоша қилиб чиққан киши «мўъжиза» сўзини ишлатмай иложи йўқ...

Аввало, бу бизнинг тушунчамиздаги заводларга асло ўхшамайди. Завод деганда, одатда, ҳовлисида унда-бунда уюлган темиртерсаклару тартибсиз қалашиб ётган қурилиш материаллари бор, бурчак-бурчакларда қаққайган бузуқ машина ёки эски кранлар бўлган корхона кўз олдингизга келади. Асака заводида эса, манзара мутлақо бошқача. Ҳовли бағоят озода, ораста. Ям-яшил майсалар билан қопланган майдончалар кўнгилга хушнуд туйғулар ҳадя этади, эндигина қадди бастини ростлаган арчалар кўзларни қувнатади. Компаниянинг ходимлар бўлими бош менежери Авазбек Ҳакимов арчалар ҳақида гапириб, кўчат ўтқазганларида бири яхши кўкармаганини, қарийб завод аҳли бундан бохабар бўлиб ташвишланганини айтиб берди.

— Наинки ишчилар, заводимиз ҳудудидаги ҳар бир дарахт ҳам жамоамиз аъзоси, биз у ҳақида қайғурамиз, ташвишини чекамиз, - деди у.

Тошкентдан келишда, заводга биринчилардан бўлиб ишга кирган ва кечагина ишга жойлашган ходимлар билан албатта, учрашаман, деган ниятни кўнглимга туккандим. Шунга кўра, мен келган куним заводнинг бош директори Мўминжон Қаюмов билан суҳбатда бўлдим. Мўминжон ака куни кеча бу мансабга тайин этилибди. Аммо Мўминжон Қаюмов аввалдан вилоятда саноат билан шуғулланиб келган, корхоналарда директорлик қилган, кейинги вақтларда вилоят ҳокимининг саноат бўйича ўринбосари вазифасида ишларди.

— Завод йилига икки юз минг машина ишлаб чиқариш қувватига эга, — деди Мўминжон ака.

— Шу пайтгача, аниқроғи, шу йилнинг 20 майигача 111075 дона автомобиль ишлаб чиқарилди.

— Қанчаси «Дамас»у, қанчаси «Тико», «Нексия?» — сўрадим мен.

— «Дамас» — 23419 та, «Тико» — 30984 та, «Нексия» бўлса — 56672 та. Асли режа бўйича, йилига «Нексия»дан юз мингта, қолганларидан эллик мингтадан ишлаб чиқарилиши керак.

— Машиналаримизнинг сотилиши қандай кечмоқда? — яна сўрайман мен.

— Кўпроқ ички бозорни таъминлаш билан бандмиз, — деди бош директор. — Ҳозирча... Масалан, ички бозоримизда 88668 та машина сотилди. 19077 дона машина экспорт қилинди... Машиналаримизга Россия ва МДҲ автобозорларида қизиқиш ортиб бормоқда. Алоқаларни энди йўлга қўяётирмиз. Маҳсулотларни сотишда 183 корхона фаолият кўрсатмоқда.

Суҳбатимиз қизғин кечди. Компанияда ҳозир 7121 одам меҳнат қилар экан. Шундан 3714 киши бевосита ишлаб чиқаришда банд, 3407 одам сотув ва автохизмат тизимларида ишлашади...

Умумий майдони 55 гектардан зиёд завод кўзга шинам ва файзли кўринади. Асосий цехлар ягона бинода жойлашган, бу нарса ишда жуда ҳам кўп қулайликлар туғдиради. Заводнинг асосий биносига кирганимда — дарвоқе, биноларнинг умумий майдони 16 гектарни ташкил қилади — бинонинг баланд шифтидан тортиб то ергача фойдасиз, бўш қолдирилган бирон бир ерни кўрмадим. Тепаларда улкан конвейерлар автомат бошқарувида тинимсиз меҳнат қилганлари кўзга ташланарди. Машиналар конвейерлардан қўлма-қўл ўтиб навбатма-навбат цехларни айланиб чиқишади... пастга тушишади, — яна юқорига кўтарилишади. Ҳаракат оқими тиним билмайди...

* * *

Мен Авазбекка, танишувни боема (пресс) цехидан бошлашни илтимос қилдим. Жанубий Кореядан келтирилган автостал (хомашё) ўрами шу цехга келади, бир қараганда у бир ўрам темир, холос. Буни бичув цехи деса ҳам бўлади, 12 тоннали автостал «мато»дан машиналар бичилади. Буни машҳур япон «Комацу» фирмасининг 500, 800, 1600 тоннали пресслари амалга оширади. Кейин пайвандлаш цехида иш давом этади. Пайвандлаш цехи жуда ажойиб. У ерда ишни асосан роботлар адо этади. Уларнинг сони 115 та. Швециядан келтирилган бу ақлли ва ҳалол меҳнат қилгувчи АВВ роботларини кўриб ҳайратга тушмай илож йўқ. Роботларни бор-йўғи бир нечагина ишчи компьютер орқали бошқаради. Ишчилардан бири Абдуваҳоб Абдуллаев экан, у 1969 йилда туғилган. Саноат техникумини битириб, ҳарбий хизматдан сўнг, 1993 йилдан заводда ишлар экан. Адҳам Отабоев эса Жанубий Кореяга қандай бориб келганини айтиб берди. У икки марта бу юртда бўлибди. Биринчи сафар уч ярим ой, 1995 йил 1 июндан борганда, 8 ой иш ўрганибди. Кореяда яхши қутиб олишибди. Мистер Пак кўп нарса ўргатибди. Аммо Адҳамнинг ўзига ҳам пешонани терлатиб ишлашга тўғри келибди. Охирида диплом беришибди. «Сизлар уқувли экансизлар, қойил! — дебди мистер Пак ўзбек йигитларига. — Меҳнатни оғир демай чидадингиз. Малайзиядан келган ишчилар ярамай, ишни ташлаб қайтиб кетишди...» Йигирма етти ёшли Ойбек Қурбонов Жалолқудуқ туманидан. У Харьков политехника институтини битириб, 1994 йилда танлов асосида ишга қабул қилинган. Ишни цехда мана шу бир неча йигит бошқармоқда эди.

МУСТАҚИЛЛИК: ЕТТИ ЙИЛ

МЎЪЖИЗАЛАРИ

Роботлар ишини томоша қилиш кишига завқ бағишлайди. Уларнинг ҳаракатлари эпчил ва чаққон одамнинг ҳаракатларига ўхшаб кетарди, ҳатто роботнинг ҳаракатлари нозикроқ ва аниқроқ туюлади, менинг назаримда. Уларнинг сидқидил меҳнатлари таҳсинларга лойиқ. Ўзлари қўпол кўринган билан нозик ишларни амалга оширишади. Қараб туриб, уларни «раққос роботлар» деб атагим келди. Одамнинг қўли етмайдиган жойларга уларнинг «қўллар»и кира олади, ишлаганда ҳам машинанинг тагига кириб «ётиб олиб» ишлашади, чарчаш нималигини асло билишмайди. Топширилган ишни адо этишгач, бироз «нафас ростлашади». Яна «мўъжиза» сўзини ишлатишга тўғри келади.

Машинанинг кейинги йўли бўяш цехидан ўтади. Ости-ю усти, ҳамма томонлари пайвандланган кузов чангу кирлардан тозаланиб бўёқ тўла ҳовузчага шўнғиб, «чўмилиб» чиқади, бу бирламчи хомаки бўёқлардан сўнг, иш охирида юз беради.

Йигув цехида ишнинг асосий қисми амалга оширилади. Машинада одатда бўладиган 20 мингдан ортиқ катта-кичик деталлар шу ерда жой-жойини топади. Икки линиянинг бирида «Нексия», иккинчисида «Тико» билан «Дамас» йигилади. Таъбир жойиз бўлса, зоҳиран тайёр машина ботинан мазмунга бойийди. Йигилган машина шундан кейин бир неча синов нуқталаридан ўтади, кам-кўсти чиқиб қолса, бажарилади. Йигув цехида «1998 йил — нуқсонсиз автомобиллар ишлаб чиқариш йили», деган шиорни кўрдик. Цех ишчилари билан танишамиз. 1971 йилда туғилган Ҳамидулла Дадаҳўжаев, Авазбек Жалилов, Моврутали Ражабов, Зокиржон Жўраев... Бари 25-30 атрофидаги йигитлар. Ўзбекнинг болалари. Менежери ҳам, ишчиси ҳам, устаси ҳам — барча-барчаси ўзбек. Аваллари бирон заводга бориб қолсам бундай манзарани кўрар эдим. Уста (мастер) албатта рус бўлади, ўзбек эса иккинчи даражали ишларда, ҳамиша ёрдамчи, ҳамиша ўрганувчи вазифаларда ишларди. Бу ерда эса ундай эмас. Менежер, муҳандису усталар, ишчилар — бари қора кўзлардан. Шу кунгача компания ишчи-хизматчиларидан 3550 киши Жанубий Кореяга бориб, бир неча ойлаб тажриба ўрганиб, кўз пишитиб келди. Дафтаримда яна бир неча номлар ёзилган, улар турли цехларда меҳнат қилишади. Мана улар: Қаҳрамон Юнусов, Муҳаммаджон Низомов, Саидаҳмад Икромов, Эркинжон Солиев, Муқим Умаров, Орифжон Раҳимов, Омонбой Саримсоқов, Олимжон Раҳимов... «Компанияга ишга кирганим туфайли дунёнинг кенглигини билдим, хорижга, Жанубий Кореяга бориб келдим», дейди Олимжон. Бу гапни кўплар такрорлаши мумкин.

«Шахснинг маънавий ўсиши — Компаниянинг ўсиши демакдир» — бу қуруқ гап эмас. Бу ерда алоҳида «Ички тартиб қоидалари ва ахлоқ мезонлари»га амал қилинади. Ишчи-ходимнинг қалби ва унинг руҳий ҳолати қандай бўлиши керак, кийиниш қоидалари, ходимнинг ташқи кўриниши, ошхона ва иш жойларида тартиб, суҳбатлашиш ва саломлашиш маданияти ва ҳоказолар ҳақида ташвиш чекадилар. Бу ҳусусда Авазбек Ҳакимов кўп нарсалар гапириб берди. Иш икки сменада ташкил қилинган. Ҳар куни эрталаб соат 7 дан 45 минут ўтганда беш минутлик умумбадан тарбия машқларида барча қатнашади. Компаниянинг шинам ошхонасида ҳамма навбат билан овқат олиб тановул қилади. Овқатлар бепул, шунингдек, икки бош кийим-кечаклар ҳам. Заводни айланиб юрар эканмиз, туш вақти бўлиб қолди. Авазбек мени ошхонага таклиф этди. Тамаддиланиб ўтирган эдик, корхона раҳбарлари ҳам тушликка келиб қолишди. Бош директор, ижрочи директор ва бошқа раҳбарлар навбатга туришиб, патнисларда таом олишди-да, бўш жойлардан бирига бориб ўтиришди... Бу жуда ибратли эди. Бир пайт радиодан: «Иш бошланишига беш минут вақт қолди!» деган сўзлар янгради. Ошхонада ҳеч ким қолмади...

Автомобилларимиз ҳақида хаёл сурар экан, жаҳондаги бошқа нуфузли машиналар, уларнинг афзал жиҳатлари билан ҳам қизиқдим. Мана, Америка машиналари. АҚШ «Женерал Моторс»нинг «Шевролет кавалер» машинаси — шинам машина, баҳоси 21 минг 500 доллар туради. «Жип»лардан янгиси - «Блейзер» (1995) — 28 минг доллар. «Кадиллак»ларнинг ҳар хили бор — 53 мингдан 58 минг долларгача.

Япон «Королла» машинаси «Тойота» фирмаси маҳсулоти — 16 минг доллар, «Камри» машинаси эса — 29 минг доллар туради. Германия машиналарига бизда эътибор кучли. «Фелиция» — 9500 доллар, «Голф» — 19700 доллар, «Пассат» — 24500 доллар туради... Дарвоқе, мен бу маълумотларни янги чиқаётган «Авто олам» безакли журналидан олдим.

* * *

Вилоят ҳокими Обидов билан суҳбатлашганимизда, у асосий масала локализация, деб тушунтирди. Яъни, автомобиль қисмлари, иложи борича ўз юртимизда, ўз шаҳримизда тайёрланиши лозим. Шунда машинанинг таннархи арзонлашади. Айни бир пайтда, бу қўшма корхоналар жуда кўп бекор, ишсиз одамларни иш билан таъминлайди. Ҳозир ана шундай корхоналардан олтитаси гуриллаб ишлаб турибди. 140 киши меҳнат қиладиган «Ўз-Корам Ко» қўшма корхонаси бампер ва кўрсаткич панелларини ишлаб чиқмоқда. Аммо хомашё масаласи ҳали ҳам муаммолигича қолаётир, хомашё Жанубий Кореядан келтирилмоқда. «Ўз-Тонг Хонг Ко» корхонаси эса роҳатижон ўриндиқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Ўз-Донгжу Пэинт» компанияси лак-бўёқ маҳсулотларини тайёрламоқда. Рақамларга мурожаат қиламиз. 1996 йилда машиналарнинг ана шундай эҳтиёт қисмларидан бор-йўғи 5 фоизи ўзимизда тайёрланди. Келгуси йил бу кўрсаткич 16 фоизга кўтарилди. Бу йилги мўлжал — 30 фоиз, келаси йил 50 фоизга етиши керак. 2000 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган машиналар қисмларининг етмиш фоизи ўзимизда тайёрланиши кўзда тутилган.

— Биласизми, автомобиль саноати бағоят қизиқ ва ишчи кучи талаб қиладиган соҳа, — деди «Ўзавтосаноат» уюшмаси ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди Ҳамид Азиз Қориев. — Бошқа соҳалар билан солиштирганда унинг афзал томони шуки, автомобиль саноатида 1 ишчи ўрни ташкил қилсангиз, изидан табиий равишда 6 та ўрин пайдо бўлади.

Энди ўзингиз ҳисоб-китоб қилинг: заводда 7121 одам ишлайди. Демак, 1 ишчи ўрин изидан 6 та янгиси пайдо бўлса, заводда 42 минг 800 га яқин иш ўринлари очилади, деган гап. Бунча ишчи кучига мувофиқ яна қанча бошқа хизмат турлари ҳам ташкил этилади. Заводнинг қуввати ошгани сайин янги ишчи кучларига эҳтиёж ортиб бораверади. Шуни айтиш керакки, автомобилсозлик заводимиз ўз бағрига ўн минглаб янги ёшларни қабул қилиб, атроф ҳудудда ишсизлик муаммосини ҳал қилишга самарали кўмаклашиш билан бир қаторда янги, юксак техник-муҳандислик малакасига, тафаккурига эга ўзбек ишчиларининг янги авлодини вояга етказадиган ижтимоий маънавий мактаб хизматини ҳам ўтамоқда.

Иқтисодчи мутахассиснинг бу фикрларини мен зўр иштиёқ билан тинглар эканман, хаёлим бутун республикамизнинг ҳозирги ўзгараётган қиёфаси ҳақидаги ўйларга ҳамнафас бўлди. Бир тасаввур қилайлик: бундай саноат гигантлари республикамизнинг яна ўнлаб вилоятларида қад кўтармоқда. Улар Ўзбекистонни яқин орада улкан саноат мамлакатига айлантиради. Ҳар хил турдаги, бунинг устига, жаҳоннинг илғор технологияси билан қуролланган, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳам жаҳон андозалари билан бўйлашадиган саноат гигантлари. Улар аста-секин Ўзбекистоннинг экспорт қувватини ошириб боради, демак иқтисодий қудратига қудрат қўшади. Бунинг устига: уларда замонавий тафаккурли ўзбек ишчиларининг сони тағин юз мингларга кўпаяди. Хуллас, корхоналар билан бирга халқимизнинг янгича савияси, янги, замонавий қиёфаси, янги синфи ҳам туғилмоқда. Булар тўғрисида ғурурланмасдан ўйлай олмайсан киши!

Ҳамид Аҳадович Ўзбекистон Республикасида автомобиль саноатини ривожлантириш ва унинг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги роли ҳақида ҳикоя қилди. Дарвоқе, у бу ҳақда тайёрланган мақси тўқ концепция муаллифларидан бири. Ўзбекистон рақобатларга дош бера олгувчи жаҳоний даражада автомобиллар ишлаб чиқармоғи лозим. Автомобиль саноатида локализацияни амалга ошириш учун Ўзбекистоннинг иқтисодиётини шунга мослаштириш, унинг барча жабҳаларини шу қутлуғ ишга жалб этиш керак. Жаҳон автомобилсозлиги тажрибаларини ўзлаштира бориб, мамлакатимизда машинани бошдан-оёқ ўзимизда тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга эришиш асосий мақсад бўлиб қолади. Бу нарса Ватан автомобиль саноати обрў- эътиборини ҳам белгилаб беради...

* * *

«Нексия»ни келажак машинаси деб атайдилар.

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» — деди Президент Ислом Каримов. Бу сўзларнинг орасидаги мантиқий боғланишларни аён сезаман. «ДЭУ» корпорациясининг раиси Ким У Жунг ўзининг «Бу бизнеснинг буюк олами» номли китобида, асосий фанлар бўйича мутахассисларни хорижга ўқишга юборяётганлари, 2000 йилга келиб «ДЭУ»да мингта яқин фан доктори меҳнат қилажаги ҳақида фахрланиб ёзади. «ДЭУ» — катта олам, дегани бўлади, — дейди. 1967 йилда кичиккина тўқимачилик компанияси ташкил қилган Ким У Жунг бугунги кунда «ДЭУ»ни жаҳоний даражаларга олиб чиққан тадбиркор сифатида машҳурдир. У «Халқаро Бизнес совринии» соҳиби. «ДЭУ»нинг ҳозир хорижда 80 та ваколатхонаси бор, йилига жаҳон бозорида 25 миллиард долларлик мол сотади, турли мамлакатларда ишлаётган ходимларини ҳисоблаганда юз мингга яқин одами бор. Шунчалар етишиб қолганига қарамай, корпорация ходимларининг илм олишлари учун тинимсиз қайғурадилар, имконият излайдилар ва топадилар.

«ЎзДЭУ авто» компаниясида ҳам кўплаб аҳли илм вакиллари, фан номзодлари меҳнат қилишади, ходимлар мунтазам хорижга бориб ўқиб, ўз малакаларини ошириб қайтишади. Мақсад, охир-оқибат, Ўзбекистоннинг ўз машинасини яратиш, жаҳон бозорига чиқиш! Компаниямизнинг ёш жамоаси — уларнинг ўртача ёши йигирма бешни ташкил қилади — албатта бунга эришажак! Чунки улар тегли-тахтли юртнинг фарзандларидир!

Ўз ватани ҳақида ёзар экан, юқорида айтиб ўтилган китобида Ким У Жунг ўз мамлакатининг янгича мақомда жаҳон майдонига кириб бораётганлиги, бу мақомда ёшларнинг ҳал қилувчи ўрин тутиши тўғрисида тўлқинланиб гапиради.

Ким У Жунгнинг бу ажойиб сўзларини жонажон мамлакатим Ўзбекистонга, унинг оловюрак ёшларига нисбат берган ҳолда, баралла гапиришни дил-дилидан истар эдим...

Бугун «Мерседес-Бенс» заводини Германиянинг рамзи сифатида англайдилар.

Кўп вақт ўтмай жаҳоннинг машҳур автосалонларида, Америка Қўшма Штатларининг Детройт шаҳрида ёки Италиянинг Болонья шаҳридами, «ЎзДЭУавто» компанияси маҳсулотлари, «учирма қуш»лари томошага қўйилса, бунга асло ажабланмайман. «ЎзДЭУавто» ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистоннинг тимсоли бўлиб қолди. **«Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда,** — деган эди Президент Ислом Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобида. — **Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор...»**

ҲА, «ЎзДЭУавто» — БУГУН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОНГА АЙТГАН СЎЗИДИРИ ЖАҲОНГА АЙТИЛГАН СЎЗІ БУ СЎЗНИНГ ҚАДРИ ТОБОРА БАЛАНД БЎЛИБ БОРАЖАК!

1998 йил, июль.
Асака — Тошкент.

«БУЛОҚБОШИАГРЕГАТ» СИНОВДАН ЎТДИ

Мини комбайн муаммоси анчадан буён булоқбошилик ихтирочи Абдусаттор Жалиловга тинчлик бермасди. Аввалига у, бу деталларни ясашга уриниб кўрди. Йиғдиям. Аммо қўнгилдагидек чиқмади. Ҳажми сал каттароқдек туюлди. Сочиб ташлади. Машина-трактор саройининг бир чеккасида ётган эски комбайнларни титкилай бошлади. Керакли қисмларини олиб, мослаштирди.

Кичик комбайн юрди. Унга «Булоқбошиагрегат» деб ном беришди. Ғалла етиштириш мамлакат миқёсидаги масалага айлангач, деҳқонлар учтўрт йилдан буён ердан унумли фойдаланиб, дарахтзор қатор ораларига ҳам дон сочиб, ҳосил ола бошладилар. «Булоқбошиагрегат» ана шу юмушни ҳам осонлаштирди. Ихчам, дарахтзорлар орасидаям бемалол айлана олади. Унумдорлигиям ёмон эмас, кунига 2,5-3 гектардаги ғалла мавсумигача Булоқбоши далаларида бундай мини комбайнларнинг сони кўпайса, ажабмас.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ НИШОНЛАНДИ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан маданий ва маърифий алоқалар жамиятида Франциянинг миллий байрами шарафига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда шу мамлакатдан республикамизга ташриф буюрган меҳмонлар, ўзбек-француз қўшма корхоналарида меҳнат қилаётган мутахассислар, элчихона ходимлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Франция иштирокида бунёд этилган корхоналарнинг Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси, олий ва ўрта таълим ўқув юртларида француз тилини ўргатишга эътибор берилаётганлигини алоҳида таъкидлашди.

Кеча сўнгида мусаввир Малик Набиев мўйқаламига мансуб ноёб тасвирий санъат намуналаридан ташкил этилган кўргазма намойиш этилди. Ўзбекча ва французча янграган наволар йиғилганларнинг дилига шодлик бахш этди.

И. ТОШЕВ

Шифохонадан репортаж

Ҳар бир оиланинг асоси — аёл. Ҳар бир уйнинг иссиқ-совуғига аёл гирграттон, оиласидаги катта-ю кичикка жонини қурбон қилади. Кимидир хасталанса, тепасида тунларни тонгларга улайди... Лекин, аёл хасталанса-чи? Айниқса, у икки дунёнинг ўртасида муаллақ турган — ҳомиладор бўлса-чи? Юрак, буйрак, жигар касталиклари, шунингдек, камконлик ва ревматизм аёлнинг ҳам, унинг туғилажак фарзандининг ҳам ҳаётини хавф остига қўяди.

ОНА БОРКИ...

Ҳомиладор аёлларнинг касалини ўз вақтида аниқлаб даволаш ва шу билан бирга туғруқнинг турли асоратларини бартараф этиш мақсадида бундан 3 йил аввал оналик ва болаликни ҳимоя этувчи «Тошкент шаҳар перинатал маркази» ташкил этилган эди. Бу марказ асосан юрак хасталигига чалинган ҳомиладор аёлларга ёрдам беришга мослашган. Шунга қарамай, шифокорлар жигар, буйрак касалликлари билан оғриган ёрдамталаб барча аёлларга қўлларидан келганча кўмаклашадилар. Перинатал марказ ўзига бирлашган 7 та тиббий илмий-текшириш институтларига методик-ташкилий ёрдам кўрсатади. Аёллар ҳомиладорликнинг 24-чи ҳафтасидан бошлаб рўйхатга олинади ва фарзанд кўргунича шифокор назорати остида бўлади.

— Ҳомила 14 ҳафталик бўлганидаёқ уни текшира бошлаймиз, — дейди Перинатал марказ директори Жаҳонгир Қурбонов. — Чунки 14-28 ҳафталик ҳомилада мавжуд бўлган туғма нуқсонларни ультратовуш аппаратлари ёрдамида аниқлаш мумкин. Даун касаллиги, соддароқ қилиб айтганда, эсипастлик, микро ёки гидроцефал, кар-соқовлик ёки кўрлик... Агар ҳомилада жиддий туғма нуқсонлар борлиги аниқланса, аёлга орзиқиб кутаётган фарзандининг соғлиги қанақа бўлишини ётиғи билан тушунтирамиз ва ҳомиладорликни бартараф этамиз. Биз биринчи ўринда врачмиз ва боланинг соғлиги ҳақида олдиндан ўйлашга мажбурмиз. Шу сабабдан ҳам турли нуқсонли, айниқса, эсипаст болаларнинг дунёга келишига йўл қўя олмаймиз.

Албатта, бир томонлама ўйлаб қараганда, Жаҳонгир Қурбонов ҳақ. Дарҳақиқат, оилада нуқсонли бола туғилиши, бу — фожеа. Ота-она учун ҳам, бола учун ҳам фожеа. Лекин, дилбандининг нуқсонли бўлиб туғилганидан она кўпроқ азоб тортади, ҳатто севган касбини ташлаб, ногирон боласини боқиш билан умрини ўтказиши мумкин.

Боланинг нуқсонли бўлиб туғилишига умумий анализлар ёрдамида аниқланмайд

ОИЛА ЙИЛИ

КЎНГИЛ ЧАРОҒИ

Оламнинг чароғи — қуёш. У ер юзини ёритади, илитади. Ҳаёт бахш этади. Оиланинг, фарзандлар кўнглининг чароғи эса онадир. Она фарзандни дунёга келтиради. Унинг вояга етиши учун жону жаҳонини фидо этади.

Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги Қашқар қишлоғида истиқомат қилувчи Сатқиной ая Қодирова ҳам ана шундай аёллардан.

Оила бошлиғи Абдуғаффор ота тўғри сўз, очиқ кўнгил инсон эди. Худо унга саккиз ўғил ато этди. Каттаси Нозимжоннинг бўйи чўзилиб, тўққизинчи синфга ўтганда...

Сатқиной ая ўша машъум кунни худди кечагидек эслайди.

Турмуш ўртоғи ҳар доимдек нонушта қилиб ўтирганди. Кўчадан тракторнинг овози эшитилди. Абдуғаффор ака пиёлага қуйилган чойини ҳам қолдириб ташқарига шошилди.

— Тракторимни судратиб юргизволай, аккумулятори чатоқ.

Сатқиной ая пиёлани кўтарганича хўжайини ортидан эргашди.

Ҳамкасблар тракторни шатакка олиб, моторни ўт олдиришга уриндилар. Лекин ҳаракатга ўт олмади. Бу орада улар каналнинг кўприги томон бурилдилар. Кўприк устига етиб келганда Абдуғаффор ака яна тезликни қўшди. Фалокатни қаранг-ки, мотор ўт олмади, тракторнинг ғилдираклари сирғалиб бориб, тўсатдан каналга тушиб кетди. Ҳайдовчи кабинадан сакраб улгурмади...

Сатқиной ая бир қўлида пиёла, бир қўлида эрининг дўпписини ушлаганча фарёд чекиб қолаверди.

Саккиз ўғил, саккиз полапон чирқиллаб, унинг бир дардига минг дард қўшди.

Осмон йироқ — ер қаттиқ. Тақдирга тан бермоқдан ўзга не илож.

Фарзандларини оёққа турғизишнинг ўзи бўлмади. Ая кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилди.

Ўғиллар ёлғиз онанинг чеккан заҳматларини кўриб улғайди. Ана шу туйғу уларни тарбиялади.

Тўнғич фарзанди Нозимжон аввал ҳисобчилик курсида ўқиди. Сўнгра институтни тугатди. Укаларининг ўсиб-улғайишида онасига кўмаклашди. Ҳасанбой ҳунар эгаллади. Дурадгорлик, гул чизиш ишларини қойиллатиб бажарадиган даражага етди. Ҳусанбой ҳайдовчилик касбини танлади. Акалар укаларини етаклаб бирин-кетин улғая бошлади.

Хонадонга саккиз келин тушди. Фарзандлари бировга оғирлиги тегмайдиган, эл-юртнинг, маҳалла-кўйнинг юмушига ярайдиган йигитлар бўлиб етишди.

Яна икки ўғил Неъматжон ва кенжаси институтда ўқиди-Рустамжон ва Рўзматжон жамоа хўжалигида ишлайди.

— Кейинги йилларда ёш оилаларнинг ажрашиш ҳоллари кўпайди. Бунинг сабаби нимада экан? — дея сўрайман аядан.

— Тарбияда гап кўп, — деди Сатқиной ая. — Бизнинг давримизда ҳам урушлар, аразлар бўлган. Лекин ота-онамиз турмуш деганида яхши-ёмон кунлар кўп бўлади, чидайсан, тош келса кемиргин, сув келса симиргин, деб ўргатишар эди. Ҳозирги ота-оналар қизи озгина кўз ёши қилиб келса, дарҳол унинг ёнини олади. Йўқ, бундай пайтда айб қуёв тарафда бўлса ҳам сир бой бермаслик керак. Акс-ҳолда оила бузилади. Иккита ёшнинг рўзғор қилиб кетиши ота-онасига ҳам боғлиқ. Мана шунисига келганда ота-оналар баъзан шошилаяпти. Нима, бизни ота-онамиз яхши кўрмаганми? Албатта жонидан ортиқ кўрган. Лекин рўзғорнинг ўзига яраша синовлари бўлади.

Шу синовдан қиз ҳам, йигит ҳам сабру бардош билан ўтиши керак. Ана шунга бардош берган оила мустаҳкам бўлади.

Ҳамқишлоқлар гоҳо Сатқиной аяни Маршалл кампир, дея атайди. Тўғриси ҳам шу. Бир нарсага қойил қолмай иложингиз йўқ. Қишлоқда баъзи оталар бор. Иккита ўғлини тўғри йўлга сололмайди. Ая эса саккизта ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Саккизта келин туширди. Етти фарзандига иморат солди. Буларнинг ўзи бўладими? Тўғри, баъзан ўғилларининг қуйдирган пайтлариям бўлди. Лекин ая ўзининг одоб калтаги билан ҳушини жойига келтириб туради.

Фарзандлари соғ-саломат юрса, элнинг корига яраса, қатори бут бўлса чинакам бахт мана шу. Улардан биронтасининг мазаси қочса она ўзини қўярга жой топа олмайди.

Эл-юрт тинч бўлсин. Юртимиз обод бўлаверсин. Ана шу обод элнинг ўғлонлари қаторида Сатқиной аянинг фарзандлари, неваралари ҳам омон юрса шунинг ўзи бир давлат. Онахоннинг эзгу тилаги мана шу.

Абдураҳмон ЖЎРА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ МАДҲИЯЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ

Ҳилпира, ҳилпира,
ҳилпира!
Осмоним,
кўксимга яқиним,
Ўрмоним, тоғ-тошим,
чақиним,
Жонимга пайвастам,
сан маним
Ҳилпира, ҳилпира,
ҳилпира!

Қуёшнинг
нури-ла йўғрилган,
Ҳарорат шундадир,
дилбандим.
Боболар ёди-ла чулғанган,
Садоқат шундадир,
дилбандим
Қуёшнинг
нури-ла йўғрилган.

Қалбимда яшайди
зўр туғён,
Эсласам, тарихлар
жонланар,
Эсласам, жўш
урар ҳаяжон,
Ифтихор туйғуси
шонланар,
Кўксимга кенг олам
жойланар.

Ҳилпира, ҳилпира,
ҳилпира!
Мовий, оқ, яшил
бахт — боқийдир,
Боқийдир чеҳрангда
табассум.
Юлдузли осмонда
бор не сир,
Ўнгу сўл, тегрангда
табассум.

Еру кўк хушбахтдир,
хушбахтдир
Истиқлол элимга тилло тахт.
Истиқлол муқаддас бир
бахтдир,
Қувончим, суянчим,
тилло тахт
Еру кўк хушбахтдир,
хушбахтдир.

Ҳилпира, кўзларим
тўймас, ҳей!
Ватандан ўзгани суймас, ҳей!
Қонимда, жонимда суратинг
Учсам-да кўксимдан
ўчмас, ҳей!
Ҳилпира, кўзларим
тўймас, ҳей!

БАҲОР БОШЛАНАР

Етти хосиятли рақам, дейдилар
Етти — муқаддасдир, етти — барака.
Бу кун дориламон кундир, биродар,
Мустақил юртимда катта маърака.

Бу меҳр қонимга қон бўлиб кирган,
Бу меҳр жонимга жон бўлиб кирган,
Она Ўзбекистон шону шуҳратинг.
Халқим юрагига шон бўлиб кирган.

Олам маҳлиёдир, одам маҳлиё
Олам тан олгучи юрт бўлиб қолдик.
Кеча танирмиди бизни бу дунё?
Бу кун ер юзидан мужалар
олдик.

Сентябрь хуш келса,
рўйизаминга
Ҳадемай умидлар кўзга
ташланар.
Биринчи сентябрь.
Худди шу кундан,
Ўзбекистон учун баҳор
бошланар.

Салим МУХТОР,
Шофиркон тумани.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯҚИН

Самарқанд вилояти педагоглар жамияти ва «Амероз индастриз» қўшма корхонаси филиали ўзаро ҳамкорликда кўргазма ташкил этди. Унда мактаб ўқувчилари кийимлари намойиш этилди. Бир-биридан бежирим ва сифатли, нисбатан арзон бу кийим-кечаклар кўргазмага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ҳар йили янги ўқув йили арафасида ўқувчилар кийим-кечаги масаласи ота-оналар, мактаблар маъмуриятини қизиқтириши табиий, — дейди жамият раиси Х. Нурмаҳмудов. — Ўйлаймизки, биз таклиф этаётган кийим-кечак мактаб ярмаркаларида харидорларга манзур бўлади.

Ҳ. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

Қашқадарё воҳаси халқимизнинг бой тарихини, афсонавий алпларимизнинг ҳаётини, қаҳрамонликларини, шунингдек, меҳнатни улуғловчи достонларни асрдан-асрга, авлоддан-авлодга бенуқсон етказувчи санъат кишилари — бахшилар юртидир.

Сиз суратда кўриб турган ғузорлик бахшилар Очил Чоршанбиев ва Мусулмон Келдиевлар қўлларига дўмбира олганида юрт мадҳи қўшиқ бўлиб қуйилиб келаверади. Улар достон айтганда ва айниқса, алплар алпи «Алпомиш»ни куйлаганда бутун вужудингиз достон сеҳридан сармаст бўлиши, шубҳасиз.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

СПОРТ SPORT

Бухорода кўпкари, камонбозлик каби миллий спорт ўйинлари тарихи узоққа бориб тақалади. Эркакларни кўйиб туринг, хатто аёллар ҳам от миниб чавандозлик маҳоратларини намойиш этишган. Бу ўринда араблар истилоси даврида Бухорода подшолик қилган ва тарихда «Тағшоданинг онаси», «Бухоро маликаси» деб ном қолдирган аёлни эслаш кифоя. Бухоро маликаси арабларга қарши курашда элга бош бўлган, жанг майдонида суворийлардек от суриб, боскинчиларга дахшат солган эди.

Миллий спортимиз муаммолари

УНУТИЛГАН ЎЙИНЛАР

Қадимий манбаларнинг гувоҳлик беришича, аждодларимиз чопаётган от устида туриб ҳам 60-100 метр наридаги нишонни бехато уришган. Халқ сайилларида, маърака-маросимларда камонбозлик ҳам кўпкари каби энг оммавий ўйинлардан бири саналган.

Афсуски, шўролар даврида ҳар иккала миллий ўйин унутилаётган эди. Оммавий маъракалар кўпкарисиз ўтди. Миллий удумларимизга нисбатан лоқайдлик шунга олиб келдики, Бухоро — Газли автомобиль йўли ёқасида яхши ният билан 60-йиллар бошида барпо этилган отчопардан ном-нишон қолмади. Бир неча ўн гектарни эгаллаган, савдо пештахталари ва бошқа қулайликларга эга бўлган бу иншоот қурилишига озмунча маблағ, куч-ғайрат сарфланганди, дейсизми?

Вилоят болалар ва ўсмирлар от спорти мактаби директори Юсуф Ёқубовнинг айтишича, отчопарга қарашли бир қисм ерларни жамоа хўжаликлари экинзорга айлантириб олишган.

Шу тариқа Бухоро отчопарсиз қолди. Собиқ отчопарнинг шаҳардан олислигини ҳисобга олиб, шаҳар ҳокимлиги бундан бир ярим йилча муқаддам Улуғбек номидаги дам олиш боғининг шимолий бурчагидан мактаб учун машғулот ўтказиш майдончалари ажратди. Чиғалёзди машқлар шу ерда ўтаяпти. Аммо мактаб бутун бошли базага муҳтожлигича қолди. Тўғри, шу ҳудудда болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳи бор. Нураб бораётган, қаровсиз бу оромгоҳ бинолари от спорти мактабига асқотар эди. Аммо уни харид қилиш ёки ижара ҳақи тўлаш учун мактабда маблағ йўқ.

Бир пайтлар Шофирконда от спорти клуби фаолият кўрсатганди. Афсуски, у ҳам лоқайдлик қурбони бўлди. Шу клуб вакили, айни пайтда Шофирконда 40-45 километр йўл босиб, Бухородаги мактабга қатнаб ишлаётган мураббий Абдураззоқ Дониёровнинг айтишича, клубдан 8 нафар от спорти устаси, кўплаб спорт усталигига номзодлар етишиб чиққан. Клуб тарқагач, Чори Жонпўлатов, Мақсуд Шокиров, Исмоил Йўлдошев каби тажрибали чавандоз йигитлар тириқчилик важидан бошқа соҳаларга ўтиб кетишди. Отлар эса жамоа хўжаликларига тарқатиб юборилди. Шу тариқа Шофирконда етиштирилган ва Англия, Германия каби мамлакатларда бўлиб ўтган Европа чемпионатларида қатнашган «Парадес», «Сандоминго», «Спидвей» лақабли машҳур отларнинг авлодлари тушовлаб қўйилди.

— Ҳозир ихтиёримизда 17 та от бор, — дейди Ю. Ёқубов. — Болаларда от спортига қизиқиш кучаймоқда. Сўнгги бир йил ичида ўқув-машғулотлари гуруҳи сони деярли икки баравар кўпайди. Яқинда «Алпомиш» достонининг минг йиллигига бағишлаб Хатирчида ўтган кўпкарида вакилларимиз дуруст қатнашишди...

От спортида бўлгани каби ёшларда камонбозликка ҳам қизиқиш кучли. Камонбозликдан тузуккина хабардор, халқаро мусобақаларда қатнашган Маҳмуд Хўжаев етмишинчи йилларда юғуриб-елиб Бухорода камонбозлик бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактабини ташкил этганди. Кўп ўтмай Обид Аҳмедов, Насрулло Баратов, Раҳмон Қўчқоров, Замир Аҳмедов сингари камончилар мамлакат спорт устаси деган фахрли ном эгаси бўлдилар. Мақсуда Қиёмовага эса ўзбек қизлари ичида биринчи бўлиб камондан отиш бўйича спорт устаси талабини бажариш насиб этди.

— Ўн беш ёшимдан бошлаб машғулотларга қатнаша бошлаган эдим, — деб хотирлайди ҳозир Бухоро шаҳридаги «Чорминор» касб-ҳунар лицейида ишлаётган М. Қиёмова. — 1978 йилда «Спартак» кўнгилли спорт жамияти соврини учун беллашувлар бўлиб ўтди. Шу мусобақада спорт устаси талабини бажардим.

1991 йилдагина ёш камонбозлар машқ майдонига эга бўлишди. Аммо шу хайрли ишлар бошида турган Маҳмуд ака мутасадди ташкилотнинг ўша пайтдаги раҳбари билан келишолмай соҳани тарк этди.

Кейинчалик мактаб ҳудудида теннис корти яратиладиган бўлди. Бу камонбозларга тегишли машғулот майдонлари қисқаришига олиб келди. 70 эмас, атиги 18-20 метр масофадан туриб камон отишса, мусобақаларга пухта ҳозирлик кўриш ҳақида қандай сўз бўлсин.

Яна бир гап. Илгари Бухорода «Найзаи Шарқ» турнири ўтказилар, турли республика, Ўзбекистоннинг қатор шаҳарларидан келган камонбозлар маҳорати шу мусобақада обдон синаларди. Афсуски, анъанавий бу турнир ҳам унутилаёзди.

Мазкур мусобақа, шунингдек, кўпкарини ҳам Бухорода қайта тиклаш лозим. Бунга тегишли ташкилотлар, ҳомийлар бош қўшса, айни муддао бўлур эди. Чунки буюк донишмандлари, бетакрор осори-атиқалари билан машҳур Бухорои шариф нафақат мамлакат, балки жаҳон спортига тенги йўқ чавандозу камонбозлар етказиб беришга қодир.

Истам ИБРОҲИМОВ.

Ташкилот Тошкентдаги омборхонасидан пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ:

KIA SPORTEGE 2000 жиплари,
KIA CARNIVAL (7-9 ўрин) микроавтобуслари.

Енгил машиналар:

NEW PRINCE	1800
NEW BROUGHAM	2000 (суперсалон)
NEW INTERPRISE	2500 (вакиллик)
GREDOS-2	1800
SHUMA	1500
AVELLA	1500

Кондиционер, кўтарилувчи ойналар, гидроусилитель, аудиосистема, марказий қулф ва б. қ.

Тел: 68-19-10; 68-45-82

785

"ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ"

Давлат акционерлик темир йўл компанияси

Тошкент темир йўл тиббиёт билим юрти 1998-99 ўқув йилига қабул эълон қилади:

1. *9-синф ҳажмида "Ҳамширалик иши" бўлимига—ўқиш муддати 2 йилу 10 ой.*
2. *11-синф ҳажмида "Даволаш иши" бўлимига—ўқиш муддати 2 йилу 6 ой.*

9-синф ҳажмида ўқувчилар 2 та имтиҳон: биология (оғзаки), она тили ва адабиётдан диктант топширадилар.

11-синф ҳажмида, биология ва она тили, адабиётдан тест асосида имтиҳон олинади.

Ўқишга кириш учун аризалар 9-синф ҳажмида 20 июндан 31 июлгача
11-синф ҳажмида 20 июндан 25 июлгача қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси).
3. Соғлиғи ҳақида маълумотнома (086-У шакл).
4. 3х4 ҳажмли расм 6 дона.
5. Паспорт ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Бирлик кўчаси, (аввалги "Ўзгариш"жамоа хўжалиги).

Автобуслар: 58, 75, 40, 86, 98, 71, 130, Троллейбус 15, 19. "Сирғали ярмарка" бекати. 38, 3, 8, 132 автобусининг Сирғали-7 бекати. Телефон: 58-85-85.

812

ҚИШЛОҚДА ШАХМАТ КЛУБИ

Қибрай тумани ёшлари яна бир қулайликка эга бўлди. «Нуроний» хайрия жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан бу ерда замонавий шахмат клуби очилди. Туман кооператив савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли чойхона негизида ташкил этилган мазкур клуб ёзги ва қишки залларга эга бўлиб, туман халқ таълими бўлими ва вилоят спорт қўмитаси қўмагида компьютер ва бошқа шахмат анжомлари билан жиҳозланди. Бу эса ёшлар ўртасида спортнинг шахмат турини янада ривожлантириш, нафақат туман, балки вилоят ва республика мусобақаларини ўтказиш имконини беради.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ЁШ МУСАВВИРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Миср Араб Республикаси элчихонасининг пойтахтдаги Фан ва таълим марказида Ўзбекистон ёш рассомларининг кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистон Бадиий академияси ёш мусаввирлари ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ижодига мансуб рангтасвир, графика ва амалий санъат асарлари намойиш этилмоқда.

Институтнинг бир гуруҳ талабалари ўтган йили Миср Араб Республикасига ижодий сафар қилган эди. Улар қарийб бир ой давомида Миср халқи ҳаёти, тарихи, маданияти, санъати билан танишиб, таассуротларини ўзлари яратган асарларида акс эттиришга ҳаракат қилдилар.

Ўзбекистон ёш рассомларининг Миср Араб Республикаси миллий байрами арафасида ташкил этилган кўргазмаси очилишида таниқли рассомлар, санъатшунослар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, элчилар иштирок этди. Йиғилганларда, айниқса, Миродил Ёқубов, Бахтиёр Ризабоев, Алишер Эргашев, Бахтиёр Обидов, Содиқ Ёқубов каби ёш рассомларнинг Ўзбекистон ва Миср ҳаётидан олинган ранг-баранг асарлари катта қизиқиш уйғотди.

Маросимда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мамдуҳ Шавқий Мустафо Комил, Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси Турсунали Қўзиев сўзга чиқиб, иккала мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни янада кенгайтиришда ёш ижодкорларнинг ўзига хос ўрни борлигини таъкидладилар.

М. ОДИЛОВА.

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

1998 йил клиник ординатурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

Педиатрия (10),
Неонатология (4),
Болалар юқумли касалликлари (2),
Болалар анестезиология ва реаниматологияси (2)
Наркология (2).

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати эълон чоп этилган кундан бир ойгача.

КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР 8

1. Ариза.
2. Шахсий варақа, фотосурат билан.
3. Тавсиянома.
4. Таржимаи ҳол.
5. Диплом нусхаси.
6. Интернатура ўтгани тўғрисида ҳужжатнинг нусхаси.
7. Паспорт, ҳарбий чипта, меҳнат китобчасининг нусхаси.
8. Скоросшиватель.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

700140, Тошкент шаҳри,
Ж. Обидова к., 223. Тел. 162-34-03

798

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0173, 34565 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов.
Навбатчи — Ғ. Эшмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маҳраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 22.50* 1 2 3 4 5 6